**Кириш.** Маълумки, «Зараркунандаларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5% ни ташкил этади». Шунга кўра, қишлоқ хўжалигида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экинларни зараркунандалар зарарланишидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандалари туфайли йўқотилаётган ҳосилни сақлаб қолиш мақсадида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича йирик илмий тадқиқотлар жадаллашган. Атроф-муҳитнинг глобаллашуви жараёнида қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандаларига қарши экологик соф кураш усулларини қўллаш йил сайин кенгайиб бормоқда.

Lepidoptera туркум вакиллари тез кўпайиши ва зарари жуда кўплаб омиларга, хусусан етарли озуқа ўсимлигини бўлиши ва уларнинг ривожланиши учун зарур бўлган иқлим шароитининг мавжудлиги билан боғлиқ. Илмий асосланган агротехник чора-тадбирлар зараркунандаларга, жумладан қуялар, парвоналар, тунламлар ва оқ капалаклар узоқ вақт оммавий кўпайишига ва уларнинг зарар келтириш даражасини камайтиришга қаратилган. Ушбу зараркунанда оилаларининг кўплаб вакиллари тупроқда ғумбакка ўтади ва агротехник ишлов ушбу зараркунандаларнинг ғумбаклик фазаларида нобуд бўлишини таъминлайди.

**Тадқиқот услублари ва амалий тажрибалар ўтказиш жараёнлари:** Карам агrobiоценозида асосий ва катта иқтисодий зарар етказадиган зараркунандалардан бири бу карам оқ капалаги ҳисобланади, шу сабаб тадқиқотлар давомида хўжаликларда ўтказиладиган ташкилий-хўжалик чоралари зараркунандаларни кўпайишини олдини олиш, илмий асосланган қарши кураш режаларини ишлаб чиқиш, башоратни тўғри ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Экиш муддати ва схемаси. Карамни 3 хил муддатда экиб, парваришlash мумкин. Эртаги карам кўчатини республикамизнинг жанубий вилоятларида 10-12 февраль, ўрта

муддатларида 10-12 май, кечки муддатларда 1-15 август; марказий минтақада жойлашган ҳамда водий вилоятларида эртапишар навларнинг кўчатини 25 февраль - 10 март, ўртапишар навларини 15 апрель - 1 май, кечпишар навларини 15 июнь - 10 июль; шимолий ҳудудларда эртапишар навларнинг кўчатини 15-30 март, ўртапишар навларни 1-15 апрель, кечпишар навларини - 25 май - 5 июнь оралиғида экиш мақбул ҳисобланади.

Қатор оралари 70 см, уялар ораси 30 см, ҳар бир уядаги кўчат сони 1 сотих майдонга 476 (10 сотихга 4760) тупдан ўсимлик тўғри келади (3-расм).

**Парваришlash.** Кўчат экиб бўлгандан кейин майдон кетмакет суғорилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатларнинг оралари, кўчатларнинг атрофи юмшатилади ва биринчи ўғит берилади.

Иккинчи чопиқ экин суғорилгандан сўнг ўтказилади. Оқбош карам икки марта чопиқ қилинади. Карамни озиклантириш учун 1 сотих майдонга 2 кг азот, 1,5 кг фосфор ва 0,7 кг калий солинади. Бўз тупроқли ерларда эртаги карамни 8-10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6-8 марта суғориш тавсия этилади.

Албатта турли хилдаги минерал ўғитларнинг карам агrobiоценозида учрайдиган зарарли организмларга таъсири икки хил йўналишда бўлиши мумкин.



**3-Расм.** Карам агrobiоценозида Lepidoptera туркум вакиллари ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш (Бекобод тумани).



**1-расм.** Бутгулдош бегона ўтларда ривожланаётган карам оқ капалаги куртлари. Тошкент давлат аграр университети тажриба майдони (Расм, Л.Абдувосиқова).

Биринчиси бу карам экинни физиологик чидамлилигини ошириш;

Иккинчидан эса минерал ўғитлар зарарли организмни карам экинларида кўпайиш қобилиятини сусайтиради;

Энг асосийси эса карам экинига берилган минерал ўғитлар Lepidoptera туркум вакиллари зараркунандаларига чидамлилигини оширади. Карам экинларида минерал ўғитлар таъсирида биокимё ва физиологик ҳолат ўзгарганлиги оқибатида фитофагларнинг ривожланишига таъсир этади. Минерал ўғитларнинг ҳашарот ва каналарга таъсир этиш механизми қуйидагича бўлиши мумкин:

- тўғридан тўғри токсик таъсири;
- аттрактив, репеллент ва антифидант таъсири;

Ўсимликда модда алмашуви оқибатида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши туфайли зарарланган қисмларни қоплаш (компенсация).

Карам экинлари ҳам қолган қишлоқ хўжалик экинлари сингани минерал ва маҳаллий ўғитларга анча муҳтож экин

ҳисобланади. Ундан мўл ва сифатли ҳосил олиш экиннинг минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланганлигига боғлиқ.

**Тадқиқотларни кейинги натижалари.** Карам оқ капалаги (*Pieris brassicae* L.) зараркундасини тадқиқотлар давомида кузатдик, улар сонини бошқариш ва паразит-энтомофагларнинг оқ капалаклардаги биологик самарадорлигини аниқлашни мақсад қилдик.

Тажрибалар Тошкент вилояти Қибрай тумани “Салар Агро Марк” ф/х дала майдонида (“Оқ бош” карам нави экилган 1 гектарлик пайкалда) карам ва шолғом оқ капалаклари зараркундалари билан зарарланган майдонда ўтказилди. Дастлабки кузатувлар икки турдаги зараркундаларнинг қайси бирининг кўпроқ учрашини аниқлаб олишдан иборат бўлди. Натижаларга кўра учраган икки турдаги зараркундалар ичиди карам оқ капалаги (*Pieris brassicae* L.) ушбу тадқиқот олиб борилаётган майдонда 76,4 % эканлиги маълум бўлди ва биз биринчи бўлиб карам оқ капалагига қарши паразит-энтомофагларни қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришдик. Тадқиқотларда *Trichogramma pintoi* турини қўллашдан олдин парвонанинг қўллаш майдонидаги тухумлар сонининг зичлиги ўрганилди. Бу эса зараркунда ва паразит нисбатларини белгилаш учун муҳим.. Ўтказилган кузатувлар вақти карамнинг бош ўраш даврига тўғри келди.

Карам оқ капалаги тарқалган майдонда зараркунда тухумларининг ўртача миқдори ўрганилди. Унга кўра карам экини майдони диагональ кесма бўйлаб 10 та жойидан жами 10м<sup>2</sup> майдон кўздан кечирилганда зараркунда капалагининг тухумлари ўртача ҳар 100 дона ўсимликда 5-6 дона тухумлар тўплари аниқланди.

Тажрибаларимиз давомида ҳаво ҳарорати ўртача +32±1°С, ҳавонинг нисбий намлиги 52±3% бўлганлиги кузатилди. Трихограмма зараркунда тухумларига қарши трихокартларда ғумбаклик даврида 1 гектар майдоннинг 200 та нуқтасига тарқатилди. Трихокартлардан трихограмма зотларининг учиб чиқиш давомийлиги 5 кунгача давом этди. Зараркунданинг биринчи авлодининг тухум қўйиш даври май ойининг охирига тўғри келди. Трихограммалар зараркунда тухумларига нисбатан 1:10 (тухум:трихограмма) нисбатларда қўлланилди. Бунда, карам оқ капалаги тухумларига қарши *Trichogramma pintoi*нинг биологик самарадорлиги 3-кун 45,4%,



4-расм. *Pieris brassicae* тухуми *Trichogramma pintoi* билан зарарланган тухумлари.

5-кун 63,6 %, 7-кун эса самарадорлик 70,6% ни кўрсатди.

Демак трихограмма паразити нафақат тунламларнинг балки оқ капалакларнинг ҳам самарали паразити ҳисобланар экан. Трихограмма турларини карам экинида учрайдиган Pieridae оила вакилларининг сонини самарали бошқаришда кенг қўллаш ва шу орқали карам оқ капалаги зараркундаси сонини камайтиришни тавсия этамиз.

Тадқиқотлар Ўртачирчиқ туманидаги “Равшан” ф/х дала-сида ўтказилди ва ўртапишар “Тошкент–10” навининг қатор оралари 70 см, уялар ораси 30 см, ҳар бир уядаги кўчат сони 1 сотих майдонга 476 (1 гектарда 47600) туп ўсимлик тўғри келган. Тадқиқотлар карам куяси билан зарарланган 1 га майдонида ўтказилди. Тадқиқотларнинг биринчи босқичида хўжайин-паразит нисбатларини белгилаш мақсадида зараркундалар қуртларининг зичлиги ўрганиб олинди ва шу асосида паразитларни тарқатиш нисбатлари белгиланди.

Бракон авлодларини карам куяси қуртларига қарши браконлар имога ҳолида тарқатиш жараёнида ҳаво ҳарорати ўртача +29±1°С, ҳавонинг нисбий намлиги 62±3% бўлганлиги кузатилди.

Карам куясини сонини бошқаришда бракон авлодларини самарали сарф-меъёрини аниқлаш мақсадида зараркунда қуртларига қарши қўллаш нисбатларини (қурт:бракон) ҳар хил 1:10, 1:15, 1:20 қилиб олинди.

1-жадвал.

**Бракон (*Bracon hebetor*) авлодларини карам куясини сонини бошқаришдаги самарадорлиги (Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Ровшан ф/х).**

№	Вариантлар	Қуртлар сони, дона		Қуртлар бўйича биологик самарадорлик, %.		
		100 туп ўсимликда	Бир гектарда майдонда ўртача	3	5	7
1	бракон:қурт 1:10	24±0,2	240±0,06	62,1	70,6	78,5
2	бракон:қурт 1:15	27±0,3	270±0,04	57,4	64,8	73,4
3	бракон:қурт 1:20	29±0,5	290±0,08	51,7	53,2	62,0
4	Назорат	21±0,2	210±0,05	-	-	-

Унга кўра биринчи вариантимида бракон паразитини зараркунда қуртларига 1:10 нисбатда қўллаганимида қуртларнинг зарарланиши 3-кунда 62,1 %, 5-кунда 70,6 %, 7-кун эса самарадорлик 78,5 % ни кўрсатди. Иккинчи вариантимида бракон авлодларини зараркунда карам куяси қуртларига қарши 1:15 нисбатда қўллаганимида 3-кун 57,4 %, 5-кун 64,8 %, 7-кун эса биологик самарадорлик 73,4 % ни кўрсатди. Учинчи вариантимида эса карам куяси қуртларига қарши 1:20 нисбатда қўлланилганда 3-кун 51,7 %, 5-кунда 53,2 %, 7-кунда эса 62,0 % эканлиги кузатилди (1-жадвал).

**Хулоса:** Демак карам агробиоценозида Lepidoptera туркуми вакиллари сонини самарали бошқаришда паразит-энтомофаг оила вакиллари юқори биологик самара беради. Келгуси тадқиқотларимизда турли паразит-энтомофагларга кимёвий препаратларнинг таъсирини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борамиз. Бундан мақсад карам агробиоценозида учрайдиган турли зараркундаларга қарши биологик ва кимёвий кураш чораларини интеграция қилишдан иборатдир.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Abbots W.S. A method of computing the effectiveness of insecticide, -1925.- V.18. - №3. - P. 265-267.
2. Адашкевич Б.П. Методическое указание по выявлению местных видов трихограммы. Изд. МСХ. -Ташкент, 1978. - 6с.
3. Адашкевич Б.П. Биофабрикаларда трихограммаларни кўпайтириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент.1987. -№5. – 44 б.

4. Анорбаев А.Р. Роль паразитов-энтомофанов в решении вопросов продовольственной безопасности при создании высокоурожайных и сельскохозяйственных культур // Концептуальные и прикладные аспекты научных исследований и образования в области зоологии беспозвоночных. Сборник материалов IV Международной конференции. – Томск, 2015. – С. 12-15.
5. Викторов Г.А. Трофические и синтетическая теория динамики численности насекомых. // Зоологический журнал. -Л., 1971. -№50/3.-С.361-372.
6. Жумаев Р.А. Массовое размножение трихограммы на яйцах хлопковой совки в условиях биологической лаборатории и ее применение в агробиоценозах // Халқаро илмий-амалий конференция “Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги” мақолалар тўплами. Тошкент:2016 –Б. 193-196.
7. Кимсанбаев Х.Х., Сулаймонов Б. Биологическая лаборатория энтомофагов кўпайтириш. Услубий қўлланма.-Тошкент, 2000. -Б. 18.
8. Кимсанбаев Х.Х., Сулаймонов Б.А., Автономов А., Ортиқов Д.У. Биологические методы защиты пасленовых культур в Республики Узбекистан //Агромеридиан-Алматы, 2006. - №1(2)- С. 41.
9. Сулаймонов Б.А. Иссиқхоналарда сабзавот экинларининг зараркундалари ва улар сонини бошқариш.// Agro ilm.- Тошкент 2008.- №4(8).- Б. 26-28.
10. Хўжаев Ш.Т. Қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалари ва касалликларига қарши инсектицидларни кичик ва катта дала тажрибаларида синашнинг асосий шартлари // Инсектицидлар, акарицидлар, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар тўплами.
11. Узинформагропром. –Тошкент, 1994. - Б. 4-18.
12. Westwood J.O. Description of several new British forms amongst the parasitic hymenopterous insects. Philos. Mag J. Sce Z. –1938. –Vol 3. –№2. –P. 443-445.

УЎТ: 937:635.64+632.2.7.78

## ҒЎЗА ТУНЛАМЛАРИГА ҚАРШИ ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ИНСЕКТИЦИДЛАРНИНГ *LYSIPHLEBUS FABARUM* ЭНТОМОФАГИГА ТАЪСИРИ

**Рустамов Атхам Ахматович**, к/х.ф.ф.д., доцент,  
**Мирзарахимов Ғолибжон Ғулумжон ўғли**, магистр,  
ТошДАУ.

**Аннотация:** Увеличение видов *Lysiphlebus fabarum* Marsch от паразитических энтомофагов, используемых для борьбы с численностью тлей некоторыми инсектицидами против сосущих и грызунов-вредителей хлопковых культур и их негативное влияние на тлей, их биологическая эффективность широко изучены и научно обоснованы. Исследования проводились в основном на хлопковых полях, зараженных тлей, в фермерском хозяйстве «Темур» Букинского района Ташкентской области, а также в научно-исследовательских центрах биологической защиты растений. Применяют против тлей и хлопковых червей Авант 15% к.э., Карате 5% э.э., Волент 150г/л сус.к., Моспилан 20% н.кук., Александр 15% сус.к., Децис Интегр 10% эм. Разработаны к (стандартные) препараты при энтомофагии паразитов *Lysiphlebus fabarum* Marsch.

**Abstract:** The increase in *Lysiphlebus fabarum* Marsch species from parasitic entomophagous plants used to control the number of plant lice by some insecticides against sucking and rodent pests of cotton crops and their negative impact on plant lice, their biological effectiveness is widely studied and scientifically based. The research was conducted mainly in cotton fields infested with plant lice at the farm «Temur» in Boka district of Tashkent region, as well as in research centers for biological protection of plants. Used against plant lice and cotton bollworms Avaunt 15% k.e., Karate 5% e.k., Vaulent 150g / l sus.k., Mospilan 20% n.kuk., Alexander 15% sus.k., and Detsis Integration of 10% em.k (reference) drugs with *Lysiphlebus fabarum* Marsch parasite entomophagy was developed.

**Калим сўзлар:** ғўза, биоценоз, сўрувчи, кемирувчи, зараркунанда, агробиоценоз, паразит энтомофаг, ўсимлик битлари, озиқланиш, тур таркиби, фитофаг, биологик усул, биоэкология, биологик самардорлик.

**Кириш:** Бугунги кунда органик қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Чунки зараркундаларга қарши қўлланилаётган кимёвий препаратларнинг кўпгина қисми инсонлар, ўсимликлар дунёси ва фойдали ҳашаротларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимиз ва дунё олимларининг кўп йиллик илмий

тадқиқотларига кўра қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган барча кимёвий воситалар дунёга келаётган чақалоқлар организмда ҳам учраши кузатилмоқда [1.2.5.8.10.13].

Тадқиқотларга кўра, сабзавот ва ғўза агробиоценозида системали пестицидларни ялпи қўллаш натижасида паразит энтомофагларни 100 % гача нобуд бўлиши аниқланди.

Кўп ҳолларда эса энтомофаглarning пушторлиги 1-1,5 баробарга, биологик фаоллиги эса 3-5 баробар камайиб кетган. [3.8.11.12].

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Ғўза экинларида учрайдиган ўсимлик битлари ва тунламлари қарши қўлланиладиган препаратлардан Аваунт 15% к.э. (indoksakarb), Карате 5% э.к. (lambda-cyhalothrin), (indoksakarb), Моспилан 20% н.кук. (acetamiprid), Александр 15% сус.к. (indoksakarb), Децис 10% эм.к (эталон) (Deltamethrin) каби препаратлари танлаб олиниб уларни лаборатория шароитида лизифлебус (*Lysiphlebus fabarum*) паразит энтомофагига таъсири ўрганилди. Эталон сифатида децис препарати олинди.

Тадқиқотларнинг ушбу қисми Тошкент давлат аграр университетининг “Ўсимликларни биологик химоя қилиш илмий тадқиқот маркази” ДУК биологикал химия олиб борилди. Бунда асосан лабораторияда тамаки экинлари ўсимлик битлари кўпайтирилиб олиниб, ўсимлик битлари зараркундаларида ривожланаётган лизифлебус паразитининг пупарий ва имаго босқичларидан фойдаланилди.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида тамаки ўсимлигида *Aphis gossypii* ўсимлик битлари *Lysiphlebus fabarum* паразит энтомофаги билан зарарлантирилди ва ўсимлик битлари танасида ривожланаётган паразит энтомофагнинг турли босқичларидаги авлодларига кимёвий воситалар пуркалди, сўнгра +25С° ҳаво харорати ва 65% ҳаво натижида термостатга (MEMMERT E05273) қўйилди ҳамда

паразитларнинг ривожланиш босқичлари назорат қилиб борилди.

*Lysiphlebus fabarum* паразит энтомофагини турли босқичда ривожланиш фазаларига кимёвий препаратларнинг таъсири ўрганилди. Унга кўра тажрибалар 4 хилдаги кимёвий препаратларни энтомофагларга таъсир қилиш даражалари аниқланди.

Биринчи вариантда *Lysiphlebus fabarum* паразит энтомофагига Аваунт 15% к.э. кимёвий препаратни 0,4-0,45л/га миқдорда паразит авлодларининг турли босқичдаги ривожланиш фазаларига ишлов берилди. Кузатувлар натижаларига кўра, кимёвий препарат паразит энтомофагнинг ривожланиш босқичларига қараб турлича таъсирга эга эканлиги аниқланди. Унга кўра паразит пупарийнинг яшовчанлиги 68,9 %, имаго яшовчанлиги 45,2 %, ривожланиш учун кетган ўртача кун 11,9 бўлганлиги аниқланди. Жинслар нисбати, (♂:♀) 1:5 ни ташкил этди, пушторлиги эса 30,2 дона бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Иккинчи вариантда паразит энтомофагларга қарши Карате 5% э.к. кимёвий препаратини 0,5 л/га миқдорда лизифлебус авлодларига таъсири ўрганилди. Унга кўра паразит пупарийнинг яшовчанлиги 63,1 %, имаго яшовчанлиги 0,2 %, ва паразит имаголари эса тўлиқ нобуд бўлиши кузатилди.

Учинчи вариантда эса лизифлебус паразит энтомофагга қарши Моспилан 20% н.кук. кимёвий препаратини 0,3 л/га миқдорда қўллаганимизда, лизифлебус авлодларига

1-жадвал.

**Сабзавот зараркундаларига қарши қўлланиладиган кимёвий препаратлар ва бит зараркундасига қарши *Lysiphlebus fabarum* паразит энтомофагини қўллашнинг уйғунлашган интеграциясини ишлаб чиқиш (Лаборатория тажрибалари, 2020-2021 йй).**

№	Кимёвий препаратлар номи ва сарф меъёри	Кимёвий препаратлар қўлланилганидан сўнг паразит авлодларининг ривожланиш даражалари, %.										
		Тухум	Яшовчанлик	Личинка	Яшовчанлик	Пупария	Яшовчанлик	Имаго	Яшовчанлик	Ривожланиш учун кетган ўртача кун	Жинслар нисбати, (♂:♀)	Пушторлиги (дона)
1	Аваунт 15% к.э.	82,3	65,4	72,8	51,6	68,9	48,7	62,4	45,2	10,4±0.02	1:5	60,2±0.04
2	Карате 5% э.к.	80.1	2.8	62.3	2.4	63.1	0.6	52.2	-	-	-	-
3	Ваулент 150г/л сус.к.	80,1	41,7	65,1	17,0	60,0	9,3	50,5	2,2	15,7±0.03	3:2	8,1±0.05
4	Моспилан 20% н.кук.	82.2	3.2	67.4	2.1	62.4	0.8	50.1	0.2	-	4:2	-
5	Александр 15% сус.к.	76,8	52,6	70,5	44,9	65,4	32,6	60,7	24,9	13,2±0.04	2:4	31,3±0.06
6	Децис 10% эм.к (эталон)	82.1	1.6	66.5	-	62.3	-	51.6	-	-	-	-
7	Назорат (сув билан)	85,5	72,4	76,9	72,1	73,5	61,2	68,6	57,4	9,8±0.04	1:6	64,7±0.03

таъсири ўрганилди. Унга кўра, паразит пупарийнинг яшовчанлиги 62,4 % ва паразит имаголари яшовчанлиги 10,1 % эканлиги кузатилди.

Тўртинчи вариантда паразит энтомофагга қарши Александр 15% сус.к. кимёвий препаратини 0,4-0,45л/га миқдорида қўллаганимизда, лизифлебус авлодларига таъсири ўрганилди. Унга кўра, паразит пупарийнинг яшовчанлиги 6,6 %, имаголарининг яшовчанлиги 4,9 %, ривожланиш учун кетган ўртажа кун 11,5 бўлганлиги кузатилди.

Паразит жинслар нисбати, (♂:♀) 1:4 ни ташкил этдиб, пуштдорлиги 31,3 дона бўлганлиги аниқланди.

Бешинчи вариантни эталон сифатида Децис 10% эм.к кимёвий препаратини 0,2 г/га миқдорда қўллаганимизда паразит энтомофаглар тўлиқ нобуд бўлганлиги кузатилди.

Хулоса шуки, Аваунт 15% к.э. 0,4-0,45л/га ва Александр 15% сус.к. 0,4-0,45л/га кимёвий препаратини *Lysiphlebus fabarum* паразит энтомофаги билан интеграция қилиш мумкин. (1-жадвал).

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Давлетшина А.Г. К фауне тлей рода Aphidiidae Бостанлыкской лесной дачи // В кн.: Вредители сельскохозяйственных культур Узбекистана и их энтомофаги. – Ташкент: Фан, 1970. –С.150-161.
2. Кимсанбаев Х.Х., Рустамов А.А., Жураева Н.Б. Сабзавот агробиоценозида сўрувчи зараркундаларнинг энтомофаг тур таркиби аниқлаш ва уларни учраш даражаси. “Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси” II-илмий амалий конференцияси МАТЕРИАЛЛАР ТўПЛАМИ 21 май 2018 йил –Б 184-186.
3. Невский В..П. Тли хлопчатника Узбекистана // –Тр. Узб. фил. АН СССР. –Ташкент, 1942. Т.12., №3.- С.1-50.
4. Сулаймонов Б.А., Кимсанбаев Х.Х., Анорбаев А.Р., Жумаев Р.А., Рустамов А.А.. Сабзавот экинлари зараркундалари биоэкологияси ва улар миқдорини бошқариш. Ўқув қўлланма “Иқтисод молия”, 2018.-68-75 б.
5. Сулаймонов Б.А., Кимсанбаев Х.Х., Анорбаев А.Р., Жумаев Р.А., Рустамов А.А.. Собиров С.К., Болқибоев Ш.Ш. Сабзавот агробиоценозида фитофаг турлари ва улар миқдорини бошқариш. Ўқув қўлланма “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. -62-89 б.
6. Сулаймонов Б.А. Қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши энтомофагларни кўпайтириш ва қўллаш. Тафсиёнома “Zamin nashr” нашриёти, 2018. 38-51 б.
7. У.Д.Ортиқов. Иссиқхона сабзавот экинлари зараркундалари ва уларга қарши биологик кураш усуллари. Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий -амалий анжумани. Тошкент-2007 .1қ –Б 177-179.
8. Х.Х.Кимсанбоев, Б.А.Сулаймонов, Р.А.Жумаев., А.А.Рустамов., А.Р. Анорбаев, О.А.Сулаймонов. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш (ўқув қўлланма) // - Т: «O'zbekiston» НМИУ,2015. 192 б
9. Танский В.И. Принципы разработки и использования экономических порогов вредоносности в защите растений. Научные основы защиты растений. -Москва.: Колос, 1984.-С.11-89.
10. Рустамов А.А.. Ўсимлик битлари зараркундаларини сонини бошқаришда *Lysiphlebus fabarum* энтомофагини роли. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси 4(74) 2018. 53-56 –б.
11. Яхонтов В.В. Анализ морфологических особенностей популяции тлей, как метод краткосрочных прогнозов их численности // Общ. биол., -1956. -Т.17, -№5.- С.377-385.
12. Byrne F.J., Toscano N.C. Evaluation of peracid activated organophosphates in studies of insecticide resistance conferred by insensitive acetylcholinesterases. J. Econ. Entomol. 2002, No 95, pp. 425–429.
13. De Bach P., Fleschner C.A., Dietrick E.J. A biological check method for evaluating the effectiveness of entomophagous insects. J. Econ. Entomol., 1951, No 44, pp. 763–766.

УЎТ: 937:635.64+632.2.7.78

## САБЗАВОТ АГРОБИОЦЕНОЗИДА ШИРАЛАРИНИНГ ПАРАЗИТ ЭНТОМОФАГЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рустамов Атхам Ахматович, к/х.ф.ф.д. доцент,  
Маматов Хумойин Дўстқобилович, магистр,  
ТошДАУ.

**Аннотация.** В статье обсуждается вопрос паразитизма тлей *Lysiphlebus fabarum* Marsh и биологические особенности развития его потомства в лабораторных и полевых условиях. Показано, что при размножении паразита в биологических условиях происходит появление и развитие большего количества энтомофага по сравнению с природными условиями.

**Ключевые слова:** биоценоз, тли, паразит, *Lysiphlebus fabarum* Marsh, биологические особенности.

**Abstract.** The article discusses the parasitism of the aphid *Lysiphlebus fabarum* Marsh and biological features of its offspring in the lab and genital conditions. It has been shown that during the multiplication of the parasite in biolaboratory conditions, the appearance and development of a larger number of entomophages occurs in comparison with natural conditions.

**Key words:** biocenosis, aphids, parasite, *Lysiphlebus fabarum* Marsh, biological features.

**Кириш.** Биоценоздаги барча ҳашарот турлари ўзаро муносабатда бўлиб, айримлари бир муҳитда бир-бирининг ҳисобига кун кўради. Шу билан бирга улар сонининг ортиши ёки камайиши бир-бирига боғлиқ бўлади. Атроф-муҳит ва антропоген ўзгаришларнинг кескинлашуви айрим тур ҳашаротларнинг кескин ортишига, айрим турларининг йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда сўрувчи зараркундалар кўплаб учрамоқда ҳамда зарари катта бўлмоқда. Бундан ташқари уларга қарши курашда кимёвий воситаларни кўплаб қўлланилиши нафақат атроф-муҳитга, балки ушбу зараркундаларнинг чидамлилиги даражаси ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Айниқса иссиқхона оққаноти, ўсимлик ширалари, ғўза тунлами, ўргимчаккана ва бошқа зараркундаларда пестицидларга бўлган чидамлилиги даражаси ортган.

Булардан ўсимлик ширалари (Aphididae) асосий зараркундалардан бўлиб, 200 дан ортиқ маданий ўсимликларга зарар келтиради. Ўсимлик ширалари барглари ширасини сўриб, бунинг оқибатида поя ва илдишлардаги углеводлар миқдори кескин камайиб кетади. Қаттиқ зарарланган барглари шакли ўзгаради ва буралиб қолади. Бундан ташқари барглари ширалар ажратган шираларда сапрофит замбуруғлар ривожланиб, ўсимликлар ривожланишини сусайтиради, баъзи ҳолларда эса ўсимлик куриб ҳам қолади. Зарарланган ўсимликлардаги ҳосил 30-51% гача камайиши мумкин (Яхонтов, 1952).

Ўсимлик ширалари бўйича дастлабки илмий изланишлар И.В.Васильев томонидан 1910 йили олиб борилган. Кейинчалик И.В.Плотников (1926), В.Яхонтов (1953) томонидан Ўрта Осиёда, асосан ғўзада учрайдиган ўсимлик шираларининг морфологияси, биологик хусусиятлари ўрганилган.

Ўтган асрнинг 80-90-йиллари ўсимлик ширалари фаунаси бўйича кенг қўламда илмий изланишлар олиб борган А.Муҳаммадиев (1979) “Фарғона водийси ширалари” асарида мавжуд маълумотларни тўлдириб, шираларнинг ландшафтлар бўйича тарқалиш каталогини тузиб чиқди.

Ўсимлик шираларининг Aphididae оиласига кирувчи 14 турга яқин паразит турлари А.Н.Лужецкого томонидан (1960) ўрганилган. А.Г.Давлетшина маълумотларига қараганда

мамлакатимиз биоценозидида ўсимлик шираларида паразитлик қилувчи афидиид турларининг 31 тури учраши қайд қилинган (Давлетшина, 1980). Ушбу турлардан *Lysiphlebus fabarum* Marsh тури кенг тарқалган бўлиб, 70 турдаги ўсимлик шираларида паразитлик қилади (Адашкевич, 1972). Танасининг катталиги 1,2-2мм ни ташкил этади. Танасининг ранги қора, мўйловлари ва оёқлари қора, айрим минтақаларда эса жигарранг бўлади. Унинг ривожланиши учун ўртача ҳарорат 22-24 С°, нисбий ҳаво намлиги эса 65-70% қулай ҳисобланади. Урғочи паразитининг пушторлиги 150 донани ташкил қилади. Бир авлодининг ўтиши (ўртача юқоридаги шароитда) 8-9 кунни ташкил қилади. Ўсимлик ширасининг 2-3 ёшдагиларини зарарлаб бир дондан тухум кўяди. Урғочи паразит ҳаётининг

узунлиги 5-6 кунни ташкил қилади. Бир йилда ўртача 10-12 марта авлод беради. Иссиқхона шароитида ушбу паразитни ўсимлик ширасининг *Dieretiella rapae* Mc (ёввойи ўсимлик шираси) турида ялли кўпайтириш мумкин.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** *Lysiphlebus fabarum* Marsh. паразитининг биологик кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида 2020-2021 йилларда Тошкент вилояти шароитида бир неча тадқиқотлар олиб борилди. Бунда турли экинларда ўсимлик шираларининг *Myzodes persicae*, *Aphis craccivora*, *Acyrtosiphon pisum*, *Aphis gossypii* турлари билан зарарланган барглари аниқланиб, ўсимлик ширалари ҳисоб қилинди. Лаборатория шароитида ушбу ўсимлик шираси турлари алоҳида махсус камераларга турлича миқдорда жойланди. Шундан сўнг ҳар битта камера ичига *Lysiphlebus fabarum* Marsh. паразитининг лаборатория шароитида кўпайтирилган авлоди хўжайинга нисбатан 1:10 (паразит: хўжайин) нисбатда қўйиб юборилди.

Кузатувларимизнинг 4-кунидан бошлаб зарарланган ўсимлик ширалари аниқланиб ҳисоб қилиб борилди. Жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимлик шираларининг *Lysiphlebus fabarum* Marsh. паразити билан зарарланиши бир-бирдан деярли катта фарқ қилмади. Бунда *Myzodes persicae* ўсимлик шираси 44,5 % паразит билан зарарланди, *Aphis craccivora* турида эса паразит билан 43,7 %, *Acyrtosiphon pisum* турида эса 42,6 %, *Aphis gossypii* турида эса 41,0 % ушбу паразит билан зарарланди, шу билан бирга табиатдан йиғиб олинган авлоди ўсимлик шираларини зарарлаш даражаси 54,2 % ташкил этиб, лабораторияда етиштирилган авлодига нисбатан кўпроқ зарарланганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

**Ўсимлик шираи турларининг *Lysiphlebus fabarum* Marsh паразити билан зарарланиши (Биомарказ, 2020-2021йй).**

Паразит тури	Ўсимлик ширасининг турлари	Қўйиб юборилган паразит сони, дона	Баргдаги ширалар сони, дона	Шираларнинг паразит билан зарарланиши, %
<i>Lysiphlebus fabarum</i> Marsh.	<i>Myzodes persicae</i>	11	111	44,5
	<i>Aphis craccivora</i>	12	118	43,7
	<i>Acyrtosiphon pisum</i>	13	129	42,6
	<i>Aphis gossypii</i>	8	83	40,0
Табиатдаги афидиид авлоди		12	120	52,2

Тадқиқотларимизни давом эттириш мақсадида *Lysiphlebus fabarum* Marsh паразитининг етук ёшдагиларининг яшовчанлик даражасини ўрганиш мақсадида тажрибалар олиб борилди. Юқорида паразит билан зарарланган ўсимлик шираларидан 8-9 кун ичида паразит имаголари учиб чиқа бошлади. Учиб чиққан имаголарни 15% ли шакар эритмаси билан махсус томпонлар орқали озиқлантирилиб турилди. Бир неча олимларнинг тадқиқотларига кўра, асал ёки шакар эритмаси билан қўшимча озиқлантирилган паразит турларининг ҳаётининг давомийлиги бир неча баробарига ортаганлиги исботланган. (Давлетшина, Гавмолцкая, 1980; Адашкевич, 1973;).

Кузатувларимизга кўра, *Myzodes persicae* ўсимлик ширасидан учиб чиққан паразит энг кўпи 2,7 кун яшади, ўртача 1,8

ва энг ками эса 0,8 кун давом этди. *Aphis craccivora* туридан учиб чиққан паразит эса энг кўпи 2,6 кун яшаб, ўртача 1,7 кун ва энг ками 0,9 кунни ташкил қилди. *Acyrtosiphon pisum* туридан учиб чиққан паразитлар эса энг кўпи 2,7 кун, ўртача 1,6 кун ками эса 0,7 кунни ташкил этди. *Aphis gossypii* турида эса ушбу кўрсаткичлар энг кўпи 2,5 кун, ўртача 1,6 кун, энг ками эса 0,6 кунгача яшай олди.

Табиатдан йиғиб келтирилган афидиид тури лаборатория авлодларига нисбатан кўпроқ яшаб, энг кўпи 2,9 кун, ўртача эса 1,9 кун, ками эса 1,1 кунгача яшай олди.

**Улоса.** *Lysiphlebus fabarum* Marsh турининг лаборатория шаротида кўпайтирилган авлодларига нисбатан табиатдаги авлодлари ўсимлик шираларини зарарлаш ва яшовчанлигининг юқорилиги билан ажралиб, бунда лаборатория шаротида бошқа ўсимлик шираларидан учиб чиққан авлодларининг орасида катта фарқ бўлмади. Фақатгина

2-жадвал.

***Lysiphlebus fabarum* Marsh паразитининг оптимал шароитда яшовчанлик даражаси (Биомарказ, 2020-20121йй).**

Паразит тури	Ўсимлик шираниннг турлари	Урғочи паразитлар сони, дона	Паразитнинг яшовчанлик даражаси, кунлар		
			юкори	ўртача	паст
Lysiphlebus fabarum Marsh.	<i>Myzodes persicae</i>	69	2,7	1,8	0,8
	<i>Aphis craccivora</i>	72	2,6	1,7	0,9
	<i>Acyrtosiphon pisum</i>	71	2,7	1,6	0,7
	<i>Aphis gossypii</i>	73	2,5	1,6	0,6
Табиатдаги афидиид авлоди		70	2,9	1,9	1,1

*Aphis gossypii* турини зарарлаш даражаси ва ундан чиққан авлодининг яшовчанлиги бошқа авлодларга нисбатан камроқ эканлиги аниқланди. Бунда ушбу паразитни иссиқхона шаротида ялли кўпайтирилганда ва зараркунандаларга нисбатан қўлланилганда самарали хўжайин турини танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Адашкевич Б.П. Биологические особенности месных паразитов гороговой тли . Полезная энтомофауна овощных полей Молдавии. Кишинев: Штинца, 1972.-С 75-90.
2. Адашкевич Б.П. К биологии *Lysiphlebus fabarum* Marsh. Труды ВНИЗР.Вопросы защита растений. Кишинев, 1973. –С 27-33.
3. Васильев И.В. Бахчевая или тыквенная тля (*Aphis gossypii*) //Труды бюро по энтомологии. М., 1910. – Т.VIII. - №6. – С.1-24.
4. Давлетшина А.Г, Гомолицкая Т.П. Экология и повидение наиболее эффективных паразитов и хищников. Энтомофаги вредителей сельскохозяйственных культур Узбекистана.Ташкент: Фан, 1980.-С 30-31.
5. Мухамедиев А.А. Тли Ферганской долины. – Ташкент: Фан, 1979.- 80с
6. Плотников В.И. Насекомые, вредящие хозяйственным растениям в Средней Азии.-Ташкент. Наркомзем УзССР, 1926.-292с.
7. Яхонтов В.В. – К биологии, экологии и хозяйственному значению хлопковых тлей. –Ташкент. //Хлопковое дело, 1930.-№4.- С.10-11.
8. Яхонтов В.В. - Вредители сельскохозяйственных растений и продуктов Средней Азии и борьба с ними.- Ташкент, Госиздат УзССР, 1953.-663 с.

## ISSIQXONA SHAROITIDA ETISHTIRILAYOTGAN BODRING O`SIMLIGINING RIVOJLANISH DAVRIDA UCHRAYDIGAN SHIRALAR VA ULARGA QARSHI SAMARALI KURASH CHORA—TADBIRLARI

**Rustamov Atham Ahmatovich, q/x.f.f.d., dotsent,  
Eshboboev Murodullajon Yusuf o`g`li, magistr,  
Toshkent davlat agrar universiteti.**

**Аннотасија:** Issiqxonalar – hozirda yurtimizda yaxshigina iqtisodiy samara beroyatgani hech kimga sir emas. Ushbu maqola issiqxonalarda uchraydigan shira zararkunandasi bioekologiyasi, xususan ularning ko`payish fazalari, tarqalishi tabiiy ko`rinishlari, yashash sharoiti, hamda ularni sonini boshqarishdagi istiqbolli amaliyotlar haqida yoritilgan. Shiralar tirik tug`addigan va tuxum qo`yishi sababli mavsum davomida 20-26 taga yaqin bo`g`in berishadi. o`z vaqtida ko`rilmagan choralarda natijasida hosildorlik 70% ga qadar kamayishi va mahsulot sifati qoniqarsiz bo`lishiga olib kelishi aniqlangani haqida gap boradi.

**Калит со`злар:** shira, lichinka, tuxum, bodring, o`simlik, hosil, issiqxona, so`ruvchi zararkunanda, zararkunanda, Aphidinea kensa turkumi, entomofag, qarshi kurash, samadorlik.

**Кирш.** Agar 1mg og`irlikdagi shiralarga hech qanday yer sharini 3 sm qalinlikda qoplab olgan bo`lar edi. ( M. Draxovskaya).

Bilamizki bizning zamonda aholi soni jadallik bilan oshib bormoqda va shunga ko'ra aholining qishloq xo'jaligi mahsulotlariga bo'lgan talabi ham parallel ravishda ortmoqda. Ushbu mahsulotlarning ichida xalqimiz sevib iste'mol qiladigan bodring mahsulotini aytishimiz mumkin. Bilamizki bodring issiqsevar juda serhosil o'simlik hisoblanadi. Shunday bo'lishiga qaramasdan bizning fermer va tadbirkorlarimiz ushbu o'simlikni yetishtirish jarayonida turli kasalliklar va hasharotlarga to'qnashganlarida qiynalishmoqdalar.

**Asosiy qism.** O'simlik shirasi (*Aphidinea*) haqida to'xtalib o'tsak. Ma'lumki issiqxonada bu barcha tomonlari o'ralgan, sernam, iqlimi va harorati nazoratda bo'ladigan joy tushuniladi. Ayniqsa bodring o'simligi issiqlikni yoqtirgani sababli unga ham namlik va issiqlikni yoqtiruvchi o'simlik shiralari parazitlik qilishadi. O'simlik shiralari teng qanotlilar (*Homoptera*) turkumining *Aphidinea* kenja turkumiga mansubdir. Shiralarning bir qancha turlari mavjud bo'lib, ular orasida g'oz shirasi, beda yoki akatsiya shirasi, poliz shiralari va boshqalar. Ko'p yillik tadqiqotlarga asosan issiqxonalarda 4 turdagi: *Aphis craccivora* Koch., *A.gossypii* Glow., *Hyalopterus pruni* F., *Myzus persicae* Sulz. o'simlik bitlari uchrasini aniqlangan. Issiqxonalarda o'simlik bitlarining zarari bodring ekinida boshqa ekinlarga nisbatan yuqori bo'lganligi kuzatilgan. Bodringda *Aphis craccivora* Koch va *A.gossypii* Glow turlari dominant hisoblanadi [1;2;3;4].

Akatsiya shirasi Yevropa va shimoliy sharqiy Afrika va Shimoliy Amerikada keng tarqalgan shu bilan birgalikda O'rta Osiyo va Kavkaz ortida ham mavjud. Poliz shirasi tropik va subtropik iqlim sharoiti mavjud bo'lgan mintaqalarda va ekvator atrofida joylashgan mamlakatlarda uchraydi. Katta g'oz shirasi esa Kavkaz orti, janubiy Ukraina va O'rta Osiyoda uchraydi [1].

**Tashqi tuzilishi.** Issiqxonada shirasi (*Aphis craccivora*), poliz shirasi (*Aphis gossypii* Glow.) yumshoq tanli va tanasi tuxum shaklida bo'lib bo'yi 1.25-2.1mm ga boradi. Ko'kish yoki sariqdan-to'q yashilgacha rangda bo'ladi, bahor va yoz fasllarida ko'pincha yashil rangda, kuzda esa to'q yashil tusga kiradi. Rivojlanishi to'liqsiz, ko'pincha tirik tug'ishi hisobiga g'umbak fazasi bo'lmaydi. Tirik tug'uvchi urg'ochilarining boshi, ko'kragi, oyoqlarining uchlari va shira so'radigan naychalari qora tusga ega. Qanotli shiralarning shira naychalari va quyruqchalari qanotsizlikka nisbatan kaltarok bo'ladi [1;2].

Shiralar haroratga qarab 3-20 kun rivojlanadi. Mavsum davomida 20-26 taga yaqin bo'g'in berib, urg'ochilari 18 kun yashashiga qaramay 150 tagacha lichnka beradi. Lichinkalari 4 marotaba tulab 5 yoshni kechirishadi. Ular turli xil begona o'tlarda lichinka va yetuk zot holidagi qishlaydi. Shiralar rivojlanishiga sernam bahor ob havosi yordam beradi. Ob-havosi quruq, yuqori haroratli joylarda esa ular

rivojlana olmaydi. Yashash sharoiti yomonlashganda ya'ni ozuqa yetishmaganda hamda asosiy va ozuqabop o'simliklar almashganida, shiralar joydan joyga ko'chadi [1;2;3;4].

Biroq ularning ko'chishiga insonlar ham bilib bilmay ko'maklashishadi. Misol uchun issiqxonada bodring parvarishi bilan shug'ullanayotgan mehnatkashlar shira bilan zararlangan palak bilan ishlagan holda toza palaklarga o'tishadi. Bu holatlarda toza, yangi paykalni bilib bilmay zararkunanda bilan zararlab qo'yishganlarini o'zlari sezmaydilar.

Yana bir biz ahamiyat bermaydigan omil shuki biz biladigan qora chumoli shiralari bilan simbioz yashaydi. Ular shiralarning ishlab chiqarayotgan shiralari bilan oziqlanishi sababli bu hasharotlar mavsum oxirida shiralarni asrab qolish maqsadida o'simlikdan olib tuproq ostida saqlaydi. Yangi mavsum boshida ular saqlab qo'ygan zararkunanda tuxumlarini yangidan unib chiqqan begona va madaniy o'simliklar hamda daraxtlarga qaytarib jarayonni yangidan davom ettirishadi. Shu sababli ham o'simlik bitlari rivojlanishi jarayoni oshadi. Yashash joyi o'zgarganda otalangan tuxumlar asosiy o'simliklarda rivojlanishadi. Ulardan bir ikkita (qanotsiz) shiralari bo'g'ini rivojlanadi va ikkinchi va uchinchi bo'g'inlar orasida tirik tug'uvchi qanotli urg'ochilari (avlod tarqatuvchilari) paydo bo'lib, ular oraliq ekinlariga o'tib birqancha qanotsiz shira bo'g'inlarini hosil qiladi.

**Yangi palaklardagi licinka va tuxumlarni paydo bo'lganini kuzatish jarayoni.** Kuzda ko'chib yuruvchilar orasida tirik tug'uvchi qanotli urg'ochilar paydo bo'ladi va asosiy o'simliklarga qaytadigan bu shiralarni (remigrantlarni) jins tashuvchilar deyiladi [1].

**Zarari.** O'simlik shiralari barglarning shirasini so'radi. Buning oqibatida poya va ildizdagi zahira uglevodlar miqdori keskin kamayib ketadi. Qattiq zararlangan barglarning shakli o'zgaradi va buralib qoladi. Bunday o'simliklar juda sust o'sadi, aksiga olib shiralari o'simlikni o'suvchi nuqtalarida avj olishadi. Juda zararlangan bodring o'simligida hosil 70% gacha kamayib ketadi.

**Tabi'iy kushandalari.** Asosan shiralari bilan oziqlanuvchi afidofag yirtqichlar va parazitlardan 46 turi ro'yxatga olingan. Shirinxo'r qo'ng'izlarning (*Coccinellidae* oilasi) 18 turi, vizillovchi pashshalarning (*Syrphidae* oilasi) 6 turi, oltinko'zlarning (*Chrysopidae* oilasi) 4 turi va gallitsa pashshalari (*Cecidomyiidae* oilasi) eng faol shiraxo'r yirtqichlar hisoblanadi. O'simlik shiralari uchun ichki kushandalari esa afidiidlar (*Aphidiidae*) shubhasiz katta ahamiyatga egadir. Ular ba'zan shiralarning 90% qismini zararlaydi. Shikastlangan shiralari qorayib shishadi va natijada halok bo'ladi [1;2;3;4;5].

Biologik kurash chora-tadbirlari: agarda Afidiid kabi entomofaglarni shiralarga nisbati 1/10 nisbatlarda qo'llansa kimyoviy kurash o'tkazishga hojat yo'q deb aytilgan manbaalarda [1].

#### ADABIYOTLAR:

1. B.A.Sulaymonov., Kimsanboyev X.X., Jumayev R.A. - O'simliklarni biologik himoya qilish. Toshkent-2015.
2. X.Kimsanboyev, A.Yo'ldoshev, M.Zohidov, K.Xalilov, T.Qosimov - O'simliklarni kimyoviy himoya qilish (1997).
3. Sh.T.Xo'jayev, E.A.Xolmuradov - O'simliklarni zararkunandalardan himoya qilish va agrotoksikologiya asoslari. 2014.
4. A.Anorboyev - Zararkunandalarga qarshi entomofaglarning dominant turlarini o'rganish va qo'llash. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari ToshDAU 2014 y 162-164 b.
5. Davletshina A.G.K faune tley roda Aphidiidae Bostanlikskoy lesniy dachi //V kn.: Vrediteli selskoxozyaystvennykh kultur Uzbekistana i ix entomofagi. - Tashkent: Fan, 1970. -S.150-161.

# БИОЛОГИЯ ЯБЛОНЕВОЙ МОЛИ И ВОЗДЕЙСТВИЕ НА НЕЕ СОВРЕМЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ

Саидов Истам Рустамович, доцент,  
Носирова Зарифахон Гуломжоновна, доцент,  
Усвалиев Ойбек Тургунович, ассистент,

Кафедра защита растений и карантин Ташкентский государственный аграрный университет

*Ключевые слова:* яблоневая моль, ареал, биоценоз, энтомофаг, природный баланс, окружающая среда, преимущество, инсектицид, эффективность, паразит.

Сельскохозяйственном производстве республики Узбекистан, направлена улучшение жизненного уровня населения охраны окружающей среды и совершенствования структуры формирования и управления сельскохозяйственном производстве в условиях рыночной экономики.

В целях обеспечения исполнения Указа Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 — 2030 годы», производства продукции с высокой добавленной стоимостью в отрасли плодоовощеводства и виноградарства, увеличения объема экспорта, освоения вышедших из оборота и богарных земель, увеличения посева экспорто ориентированных сельскохозяйственных культур на площадях, высвобождаемых из-под хлопка и зерновых, а также организации эффективного использования возможностей садов, виноградников и теплиц: На решение этих целей были выделены значительные средства, плодородским фермерам оказана поддержка и результат принес свои плоды. Продукция садоводства из Узбекистана затребована на мировом рынке. В настоящее время экспорт продовольственной, плодоовощной продукции составил на общую сумму около 5 миллиардов долларов. За последние три года объем экспортированной сельхозпродукции вырос более чем в три раза. Наша страна отправляет в 80 государств мира более 180 видов отборных фруктов и овощей и сделанную из них продукцию. Узбекистан входит в первую десятку стран мира – лидеров по объемам экспорта абрикосов, сливы, винограда, орехов, яблоко, капуста и множества других видов плодоовощной продукции.

В настоящее время общемировое значение имеет разработка и применение новых нетоксичных для человека и животных средств защиты растений. Приоритетным является исследования, имеющие целью создание средств защиты растений на основе микроорганизмов и их метаболитов, а также поиск веществ растительного происхождения с потенциальной пестицидной активностью, но при этом остаются исследования в разработке пестицидов на основе химический соединений, которые имеют высокую эффективность, избирательность к объектам применения и быстрое разложение в окружающей среде.

Ареал распространения яблонной моли совпадает с ареалом яблони. Наибольший вред причиняет в южных районах. Встречается в Западной Европе, Северном Китае, Японии, Средняя Азия и на Корейском полуострове.

**Имаго.** Бабочка с размахом крыльев 16–22 мм. Передние крылья белого цвета с 12–16 черными точками, которые расположены тремя продольными неправильными рядами. На вершине крыльев мелкие крапинки черного цвета, задние крылья пепельно-серые. Как у всех представителей

семейства горностаевых молей, голова насекомого покрыта волосовидными чешуйками, прижатыми на лбу, направленными вперед на темени и торчащими в виде куколки на затылочной части. Усики короче передних крыльев, второй членик губных щупиков короче третьего, без щетки чешуек. Передние крылья ланцетно-овальной формы.

**Половой диморфизм.** Как и у всех представителей семейства горностаевых молей, гениталии самцов и самок различны. Гениталии самцов: вальвы удлиненно-овальные, соции и саккус хорошо выражены, везика с корнутусами. Гениталии самки: анальные сосочки короткие, лопасти вагинальной пластинки более или менее выпуклые, передний апофиз вильчатый, яйцеклад почти не выражен.

**Яйцо** овальной формы, плоско-выпуклое, желтоватое. Яйцекладка прикрыта щитком. Размер щитка – 4–5 мм. Форма щитка плоская, слегка овальная. Щиток сначала желтый, затем приобретает красный цвет, через месяц становится серовато-бурым, сходным по цвету с корой молодых побегов.

**Личинка (гусеница)** проходит три возраста. Голова черного цвета, тело светло-желтое. Взрослые гусеницы достигают 15–18 мм, приобретают серовато-желтую окраску, спинная сторона несет два продольных ряда черных точек.

**Куколка.** Длина – 10 мм. Развивается в плотном белом веретенновидном коконе. Вначале куколка оранжево-желтая, по мере развития становится зеленовато-желтой с темно-бурой головой. Крыловые зачатки светло-бурого цвета, кремаштер темно-бурый с шестью щетинками. Кокон склеены в компактные пачки. В одной пачке насчитывается от нескольких десятков до нескольких сотен коконов.

## Развитие

**Имаго.** Появление взрослых насекомых наблюдается через 37–42 дня после цветения яблони, продолжается около полутора месяцев.

Днем бабочки неподвижны, сидят на нижней стороне листовой пластинки и в других затененных местах. Активный лет насекомых начинается перед сумерками и продолжается дотемна.

**Период спаривания** начинается через две недели после выхода бабочек из куколок и проходит в вечерние часы. Спустя 5–6 дней самки приступают к откладке яиц. Кладка заканчивается во второй половине июля. Яйца бабочки откладывают группами (15–60 шт.) на ветки яблони и покрывают щитком из застывшей слизи, который постепенно меняет окраску с красноватой на бурую, под цвет коры. Плодовитость самки – от 20 до 100 яиц.

**Яйцо.** Эмбриональный период продолжается 8–15 дней.

**Личинка (гусеница)** выходит из яйца, но остается зимовать под влагонепроницаемым щитком. До зимы она питается яйцевой скорлупой и корой дерева, при наступлении мороза

впадет в оцепенение (диапаузу).

Выход гусениц из-под щитков наблюдается во второй половине апреля при переходе среднесуточной температуры за пределы +12°C. В первом возрасте гусеницы минируют листья, выедая мякоть и оставляя нетронутой нижнюю и верхнюю кожицу. Выход из мин колеблется от 30 апреля – 25 мая в лесостепной зоне Узбекистана до 25 апреля – 7 мая в степной зоне и, как правило, совпадает с фенофазой цветения яблонь.

Покинув мины, гусеницы приступают к плетению паутинных гнезд. Листья скрепляются попарно, гусеницы питаются и обгрызают их. Поврежденный лист бурееет, скручивается и опадает. Часто листья объедаются полностью до основных жилок, после чего гусеницы переходят на соседние ветви и образуют колонии паутинных гнезд. Гусеницы передвигаются от вершины к основанию ветки, полностью уничтожая листву. На соседние ветки перемещаются всей колонией. Наиболее благоприятна для развития гусениц сухая и жаркая погода. Период питания гусениц продолжается 35–42 дня, затем они окукливаются в паутинном гнезде. Каждая гусеница плетет свой кокон.

**Куколка.** Появление куколок наблюдается в первой декаде июня. Они находятся в белых плотных коконах, склеенных в компактные пачки. Куколка развивается 7–14 или 15–20 дней.

**Имаго** отрождаются через 37–42 дня после цветения яблони. Лёт растянут и продолжается с конца июля до конца августа.

Для регулирования яблонной моли применяли Инсектицид А-ванте 30% с.э.г испытали яблонной и грушавом саду фермерского хозяйства «Навбахор Файз Агро», Бекабадского района Ташкентской области.

Обработка провели с помощью тракторного опрыскивателя «Агрома 2000» с расчетной нормой расхода рабочей жидкости 1000 л/га. Опыты провели в утренние часы, когда

температура воздуха не превышала 28°C и скорость ветра 1 м/сек. В производственном опыте препарат А-ванте 30% с.э.г применялся 30 %-ной концентрации. В качестве контроля был выбран 0,5 га участок сада, где химические обработки проводились.

Первый этап исследований проводился против моли на яблони и груше. После обработки против моли препаратом А-ванте 30% с.э.г в норме расхода 0,2 кг/га, на 3-й день эффективность составила 84,0-83,1%, а на 7-й день 91,4-91,0%, 14-й день повышалась до уровней 93,8-92,6% соответственно, на 21-й день эффективность составил соответственно 89,3-90,1%. Когда применяли препарата в норме расхода 0,25 кг/га на 3-й день эффективность составила 85,1-86,0 %, на 7-й день – 93,2-92,2 %, на 14-й день 95,0-96,2, на 21-й день 90,3-89,6 % Что было выше эталонного (89,0 %) варианта. На контроле количество вредителей неуклонно увеличивалось. (таблица 1)

Результаты этого опыта показывают высокую эффективность применения препарата А-ванте 30% с.э.г против моли на груше и яблоне.

#### Выводы и заключение.

На основании производственных опытов, проведенных в 2021 году можно сделать следующее:

1. Инсектицид А-ванте 30% с.э.г показал высокую эффективность против моли на яблоне и груше в норме расхода 0,2-0,25 кг/га.

2. К препаративной форме замечаний не имеем.

3. Рекомендуем препарат А-ванте 30% с.э.г для применения против моли в норме расхода 0,2-0,25 кг/га путем опрыскивания во время вегетации. Еще одним преимуществом этого препарата является то, что он менее эффективен по численности природных энтомафагов в биоценозе, а препарат в эталонном варианте теряет до 100% природной энтомофауны. Наша главная цель – контролировать количество

Таблица 1.

**Биологическая эффективность препарата А-ванте 30% с.э.г против яблонной моли на яблоне и груше**  
Полевой опыт, Ташкентской обл. Бекабадский район. 28.05.2021 г.

№	Варианты опыта	Действующее вещество	Норма расхода препаратов, кг, л/га	Среднее количество тлей на 1 дерев, экз.				Эффективность, % на дни					
				До обработки	После обработки на дни				3	7	14	21	
					3	7	14	21					
<b>На груше</b>													
1.	А-ванте 30% с.э.г	Индоксакарб	0,2	53,3	10,0	5,6	4,6	21,5	84,0	91,4	93,8	89,3	
2.	А-ванте 30% с.э.г	Индоксакарб	0,25	61,3	14,1	8,7	6,3	15,7	85,1	93,2	95,0	90,3	
3.	Гунсяо супер 20% м.к.(эталон)	Лямбда-цигалотрин	0,25	46,5	16,5	9,3	10,5	19,5	69,7	87,4	89,0	84,8	
4.	Контроль (без обработки)	-	-	39,6	46,3	63	81	109	-	-	-	-	
<b>На яблоне</b>													
1.	А-ванте 30% с.э.г	Индоксакарб	0,2	53,3	10,0	5,6	4,6	5,0	83,1	91,0	92,6	90,1	
2.	А-ванте 30% с.э.г	Индоксакарб	0,25	69,3	12,3	9,6	6,3	7,0	86,0	92,2	96,2	89,6	
3.	Гунсяо супер 20% м.к.(эталон)	Лямбда-цигалотрин	0,25	72,5	15,3	9,5	7,5	8,9	82,0	91,8	94,9	95,5	
4.	Контроль (без обработки)	-	-	39,6	46,3	63,0	81,0	109,0	-	-	-	-	

вредителей, не нарушая естественный баланс. поэтому мы рекомендуем использовать химические вещества, оказываю-

щие минимальное неблагоприятное воздействие на человека и окружающую среду.

#### ЛИТЕРАТУРА:

1. Бровко Г.А., Бровко С.П. Биометод получает признание //Ж.Защита и карантин растений.-М.-М.-2007.-JY211.-С.32.
2. Захарченко В.А. Повышены требования к регистрации пестицидов //Ж.Защита и карантин растений.-М.-М.-2007.-N23.-С.21.
3. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар, 11-нчи нашр. —Тошкент, 2004. -104 б.
4. Коваленков В.Г., Глушко Д.А., Плотникова В.В. Курс — на биометод //Ж.Защита и карантин растений.-М.-М.-2007.-M6.-С.20-22.
5. Методические указания по применению и испытанию биопрепаратов для защиты растений сельскохозяйственных культур. —Москва, 1971. С.3-24.
6. Методические указания по испытанию биопрепаратов для защиты растений от вредителей и болезней. — М., "Колос", 1973. 112 с.
7. Методические указания по испытанию инсектицидов, акарицидов и моллюскоцидов в растениеводстве. — М., Госагропром СССР, "Сельхозхимия", ВИЗР, -1986. -279 с.
8. Метлицкий О.З. Система защиты яблони и груши //Ж.Защита и карантин растений.-М.-М. -2003-N96,-С.17-19.
9. Balachowsky A.S. Entomologie Appliquee AG Agriculture Tote 1 Coleopteres. -- Second volume 120 Boulevard Saint. — German, Paris. 1990. — 567.- 1391.
10. Debach P., Наденк S. Manipulation of Entomophagous Species //Biological Control Insect Pest and Weeds, Editor P.Debach Chapman and Hall Ltd New Fetter Lane London E.c. - 2004; -4.-436-439.

УЎТ: 332

## ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИДА ПОЛИЗ ҚЎНГИЗИНИНГ ЗАРАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Носиров Бахтиёр Салоҳиддинович**, профессор,  
**Аллашукуров Исмаџон Раҳмат ўғли**, магистр,  
**Рўзиқулов Давлатбек Назаралиевич**, ассистент,  
ТошДАУ.

**Аннотация:** Мақолада полиз экинларининг аҳамияти ва полизда учрайдиган зараркунандалар, тур таркиби, тарқалиши ҳамда полиз экинларининг асосий зараркунандаларидан бири бўлган полиз қўнғизининг зарари ва биоэкологияси баён этилган.

**Калит сўзлар:** полиз қўнғизи, полиз, зараркунанда, қовун, тарвуз, этиляхна *Eurydema chrysomelina F.*

Ўзбекистонда полиз экинларига кўплаб турли хил кемирувчи ва сўрувчи зараркунандалар зарар етказди. Улардан қарийиб 15 га яқин тури бодринг, қовун, тарвузга жиддий зарар етказди. Кемирувчи зараркунандалардан тунламлар, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар ва илдиз кемирувчи тунламлар, қовун пашшаси, полиз қўнғизи, сўрувчилардан ўсимлик битлари, каналар, оққанот каби зараркунандалар полиз экинларида учрайди.

Республикада полиз маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва унинг нобудгарчилигини камайитириш ҳисобига аҳолини шу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш кўзда тутилган.

Аҳоли жон бошига етарли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва истеъмол қилиш бўйича энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш республикада олиб борилаётган аграр сиёсатнинг негизи ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинлари орасида полиз экинлари муҳим аҳамият касб этади. Олимларнинг фикрича жон бошига ҳар йили 25-35 кг дан полиз маҳсулотлари истеъмол қилиниши лозим.

Аҳоли жон бошига йил давомида полиз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳозирги кунда 15-18 кг ни ташкил этмоқда.

Бу тавсия этилган оқилонга меъёрдан 10-17 кг кам демақдир.

Ўзбекистон Республикасида нафақат полиз экиладиган майдонлар ҳажмини, балки уларнинг ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш, иссиқхона ва очиқ майдонларда полиз экинларини етиштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Иссиқхоналар майдони йил сайин кенгайиб бормоқда. Шу кунда уларнинг майдони 5 минг гектардан ошиб кетди.

Ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири - бу серҳосил, турли касаллик, ҳашаротлар, экстримал шароитга чидамли навлар уруғларини танлаб эқиш ва экинларни юқори технология асосида парваришладир. Шу билан бирга зарарли фитофагларга қарши ўз вақтида кураш олиб бориш ҳам етиштирилаётган ҳосилни сақлаб қолиш имконини беради.

Полиз экинларида зарар келтирадиган ҳашарот турларини уларнинг озиқланиш усулига қараб иккига бўлиш мумкин.

Биринчиси сўрувчи зараркунандалар. Булар ўсимлик ширасини сўриб, уни ривожланишдан ортда қолдиради ва ҳосилдорликни пасайтириб, сифатини бузади. Ўсимликларда ҳар хил юқумли касалликлар (айниқса вирусли) тарқалишига сабабчи бўлади. Айрим ҳашаротларнинг ширали чиқиндилари (ўсимлик битлари ва оққанот) ўсимликни барги ва бошқа

қисмларини ифлослантиради, оқибат сапрофит замбуруғлар ривожланади, фотосинтез жараёни издан чиқади.

Иккинчиси кемирувчи зараркунандалар. Булар тунлам, кўнғиз кабилар бўлиб полиз экинларида бу ҳашаротлар асосан ёш ниҳоллар, илдизи, поя ва меваларини кемириб жиддий зарар етказишади. Бундай ҳолатлар айниқса полиз кўнғизи, қовун пашшаси ва турли тунламлар таъсирида кузатилганлигини олимларимиз эътироф этишмоқда.

Ҳозирги кунда полиз экинларида зарарли фитонематодалар ўсимлик ҳосилига катта зарар етказмоқда. Уларнинг таъсирида ўсимлик қуриб қолиб, экин ҳосили 40-50 фоиз, айрим йилларда эса 60-70% гача нобуд бўлмоқда.

Полиз кўнғизи, ёки эпиляхна *Eurydema chrysomelina F.* . Полиз кўнғизи Марказий Осиё жанубида бодринг, қовоқ ва айниқса қовун баргларини ва сапчаларини еб, анча зиён келтиради. Бу ҳашаротга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, айрим йилларда бутун полиз ҳосилини йўқ қилиб юборади, ёш ўсимликлар эса нобуд бўлади. Зарарланган қовунлар, айниқса қирқма қовун узоқ вақт сақлаш учун яроқсиз бўлиб қолади, илдизлари чириб, уни иккиламчи зараркунандалардан *пашша* талайди.



Полиз кўнғизининг имагоси, полиз кўнғизининг тарвуздаги зарари.

Кўнғизи 7-8 мм катталиқда бўлиб, кенг овал шаклида; танасининг паст томони ясси, усти жуда қабарик; ранги қизил-кўнғир; қанотустликларида 6 тадан қора доғи бор.

Тухуми сариқ, тахминан 1,75 мм катталиқда, узунчоқ овал шаклида. Ўсиб етилган личинкасининг узунлиги 9 мм чамасида; ранги сарғиш, орқаси бўйлаб беш қатор йирик

тармоқли тиканлари бор, тиканнинг ҳар бир айрисиди туки бўлади, яқинда тухумдан чиққан личинканинг узунлиги 2 мм чамасида, тўрт қатор сершоҳ тикани ва бундан ташқари танасининг икки ёнида бир қатордан шохсиз тикани бор.

Ғумбаги вояга етган кўнғиздан сал кичикроқ, ранги сариқ, орқасида қора нуқталари бор. Ғумбак танасининг орқа учи билан ёпишиб барг юзасида туради ва шу жой яқинида сўнги пўст ташлашда буришган личинка пўстини сақлаб туради; ғумбагининг танаси туклидир.

Полиз кўнғизи ўзи озиқланган дала ёки унинг яқинидаги хазонлар ва бошқа ўсимлик қолдиқлари тагида вояга етган ҳолида қишлайди.

Полиз экинлари кўкариб чиқадиган даврда уйғонган кўнғизлар ёш барглар билан озиқланади. Кўнғизларнинг уйғониши узоқ давом этиб, улар далаларда секин-аста кўпайиб боради.

Урғочи кўнғиз полиз ўсимлиги баргининг пастки томонига 50 тача тухумни бир қават қилиб ғуж ҳолда қўяди. Одатда, урғочи кўнғиз умр бўйи 150 тача тухум қўяди. Қўйилган тухумлардан 3-4 кунда личинкалар чиқади.

Кўнғиз ва личинкалар барг этини еб, унинг томирларинигина қолдиради, ҳосил пишадиган даврда эса мевани еб (уйиб) унда чуқурча қилади, баъзан шу қадар кўп ўядики, личинкалар тамомила ботиб туради. Личинка ривожланиш даврида уч марта пўст ташлайди, бир пўст ташлаганидан иккинчи пўст ташлагунича 3-4 кун ўтади. Сўнги личинка ёши чўзилиб кетади ва личинка учинчи марта пўст ташлагандан 8-10 кун кейин ғумбакка айланади.

Хулоса. Полиз экинларида кўплаб зараркунандалар тарқалиб, катта зарар келтиради бунинг олдини олиш учун зараркунандалар тур-таркибини, учраш даражасини, кўпайишини назорат қилиш шунингдек, зараркунандаларга қарши агротехник тадбирларни юқори сифатли ўтказиш, ерга яхши ишлов бериш, яхоб сувларини бериш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларини йўқотиш зарур тадбирлардан бири ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Хўжаев, Э.А.Холмуродов. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология. Тошкент. 2014.
2. Муродов С.А., Ероменко О.В. Ҳашаротларнинг муҳим туркумларини аниқлаш. Тошкент. 1984. Б. 23..
3. Азимов Б.Ж., Хакимов Р.А. Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик, картошқачиликнинг аҳоли, истиқболи ва илмий изланишларнинг асосий йўналишлари. Основные направления исследований. Докл. Междн.научно-практ.конф. –Тошкент: 2003.- С.92-95.
4. Облокулов Д.Д. Такрорий экин сифатида экилган полиз экинни навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги //Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. Тошкент. 2006.-№4.(26).-С.11-16.

УЎК: 632.4

## ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА ШИРАЛАР ФАУНАСИ ВА ЗАРАРИ

Рўзиқулов Давлатбек Назаралиевич, ассистент,  
Мўминов Фаррух Омонжон ўғли, магистр,  
ТошДАУ.

**Аннотация:** мақолада шираларнинг (*Aphididae*) бир неча турлари республикамиз галлазорларида кенг тарқалгани ва бу шираларнинг биоэкологияси, тур таркиби, турларининг тарқалиш ареали, уларнинг жиддий зарар келтириши даражаси келтирилган.

**Калит сўзлар:** галла, зараркунанда, шира, қишлоқ хўжалиги, дон.

Буғдой ун ва нон етиштиришдаги ягона табиий маҳсулот ҳисобланади. Инсон организми учун керакли бўлган угле-

водлар (оксиллар – 50-60%, В витамини ва 80% С витамини) буғдойда бор ҳамда 1 кг буғдой нонида 2000-2500 калория

мавжуд. Буларнинг барчаси буғдой ишлаб чиқаришга бўлган эътиборни ортиб боришига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалик экинларига зараркундаларнинг кўплаб тушиши ҳосилдорликни ва унинг сифатини кескин пасайишига олиб келади.

Бугунги кунда республикамиз ғалла майдонларида олинандиган ҳосилнинг 25-30 % и турли хил зараркундалар (зарарли хасва, ширалар, буғдой трипси, шилимшиққурт ва б.) таъсирида нобуд бўлмоқда. Ўзбекистон шароитида ғалла экинларига фақат ширалар оиласига мансуб зараркундалардан 7 тури учраб, зарар келтириши қайд қилинган (Яхонтов, 1926).

МДХ ҳудудларидаги ғалла экинларида ҳашаротлар (Insecta) синфининг тенгқанотлилар (Homoptera) туркуми, ширалар (Aphididae) оиласига мансуб 25 дан ортиқ турлар қайд қилинган бўлиб, шундан 14 та турлар: оддий ғалла шираси (*Schizaphis graminum* Rond.), катта ғалла шираси (*Sitobion avenae* F.), арпа ёки «рус буғдой» шираси (*Brachycolus noxius* Mordv. = *Diuraphis noxia* Mordv.), сорго ёки маккажўхори шираси (*Rhopalosiphum maidis* Fitch.), черемуха ғалла шираси (*Rhopalosiphum padi* L.), атиргул ғалла шираси (*Methopolophium dirhodum* Walk.), олма-ғалла шираси (*Rhopalosiphum insertum* Walk.), қайрағоч ғалла шираси (*Tetraneura ulmi* L.), Курдюмов шираси (*Rungsia Kurdjumovi* Mordv.), тукли маккажўхори шираси (*Rungsia maydis* Pass.), қандаласимон шира (*Praclletus cimifformis* Heyd.), яшил свидин-ғалла шираси (*Anolcia vagans* Koch.), қизилғаллала қайрағоч шираси (*Tetraneura coerulea* Pass.) ва оддий илдиз шираси (*Forda trivialis* Pass.) сезиларли зарар етказиши (Васильев ва б., 1973; Мигулин ва б., 1983).

М.А.Берим (2005) маълумотида кўра, оддий ғалла шираси жанубий Европада, Ўрта ва Кичик Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Шарқий ва Жанубий Африка ҳамда Япония шароитида бошоқли дон экинларида зарар келтириб яшайди. Черемуха ғалла шираси эса Ғарбий Европа, Осиё, Япония, Африка, Шимолий Америка ва Австралияда кенг тарқалган.

В.П.Семьянов (1974) ўзининг илмий ишларида Олтой ўлкасининг шимолий-шарқий районларида ғалла шираларининг 8 тури тарқалганлиги ва улар ичида кенгроқ ареални эгаллаган ва кўпроқ зарар келтирувчи шираларнинг 3 тури: оддий ғалла шираси, катта ғалла шираси ва черемуха ғалла шираларини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Қишлоқ хўжалигида ғалла майдонларининг кенгайтирилиши баробарида шираларнинг келтирадиган зарари ошиб бормоқда. Айниқса ғўза-ғалла агробиоценози ўртасидаги мувозанатнинг ўзгариб бориши турли хил ғалла зараркундаларининг ошиб бориши ва тарқалиш ареалининг кенгайтиришига олиб келади.

Шираларнинг (Aphididae) бир неча турлари республикамиз ғаллазорларида кенг тарқалган. Шираларнинг ҳаёти жуда мураккаб бўлиб, улар учун полиморфизм, яъни партеногенетик ва жинсий кўпайиш, озуқа экинларини алмаштириб туриши, мавсумий миграция шаклининг турлича бўлиши, ҳаёт кечириши ва морфологик белгилари билан фарқ қилувчи қанотли ва қанотсиз, тирик туғувчи ва жинсий уруғланиб тухум қўювчи индивидларнинг мавсумга қараб пайдо бўлиши ҳашаротларнинг бу оиласи учун жуда характерлидир.

Ғалла шира (бит) лари тенгқанотлилар туркумининг ширалар оиласига киради. Ғалла ўсимликларини зарарлайдиган ширалар орасида икки группа: жойдан-жойга кўчмайдиган, яъни фақат ғаллаларда ривожланидиган ширалар ва жойдан-жойга кўчмайдиган, яъни вегетация даврида ўсимлик-

хўжайинини ўзгартириб турадиган ширалар учрайди. Биринчи группага оддий ғалла ўсимликлари шираси - *Schizaphis graminum* Rond. киради. Шира яшил рангда бўлиб, орқасида оч яшил йўли бор. Шира сўрадиган найчалари цилиндрсимон бўлиб, шишган ва торайган жойлари йўқ, думидан деярли икки марта узун. Эркаклари канотли бўлади. Ширанинг тухуми кузги экинлар майсаси баргларида, тўкилган дон ва донли ёввойи ўсимликларда қишлайди. Май ойида тухумдан чиққан личинкалари канотсиз урғочи шираларга айланади. Шираларнинг вегетация даврида урчишидаги икки хусусиятни эътиборга олиш керак: биринчидан, улар партеногенез йўли билан, яъни эркаги иштирокисиз, уруғланмасдан урчийди; иккинчидан, улар тухум қўймасдан личинка туғади. Ёз даврида 15 тагача авлод беради. Улар ғалла ўсимликларида ривожланади. Урғочилари кузда уруғлангандан кейин ўсимликларга 2-4 тадан, ҳаммаси бўлиб 12 тагача тухум қўяди. Тухуми қишлайди. Оддий ғалла ўсимликлари шираси барча бошоқли ғалла экинларини, маккажўхори, жужорини зарарлайди, ёввойи ғаллаларда учрайди. У поя барглари ширасини сўриб яшайди, баъзан ката-катта колония ҳосил қилади.



**Оддий ғалла шираси (*Schizaphis graminum* Rond.),**

**Хулоса.** Ғаллазорларда бошоқли дон экинлари ширалар билан зарарланганда ва уларнинг сони най тортиш фазасида ўртача бир пояга 5 донага, бошоқланиш фазасида эса ўртача бир пояга 10 донага етганда ёлпасига кураш чораларини бошлаш тавсия қилинади. Ғаллазорларда фаол табиий энтомофагларни (кокциеллидлар, олтинкўзлар, серфид пашшалари) шираларга нисбатан 1:15-20 (энтомофаг : зараркунанда) бўлганда кимёвий ишлов ўтказиш тавсия этилмайди.

Шунингдек зараркундаларга қарши агротехник тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш, хусусан

қатор ораларига ишлов бериш, кузги ер ҳайдовни сифатли бажариш, яхоб сувларини бериш, минерал ва маҳаллий

ўғитлардан самарали фойдаланиш, бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларини йўқотиш ҳам зарур тадбирлардан ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Алимухамедов С.С., Хайитов Э.И. Ғалла ширалари ва уларга қарши самарали кураш усуллари/ Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конференция материаллари. – Тошкент, 2004.- Б. 352-354.
2. Пўлатов З., Хайитов Э. Бошоқли дон экинларидаги шираларга қарши кимёвий дориларнинг таъсири// Ўсимликларни зарарқунанда, касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилишнинг ривожланиш истиқболлари илмий- амалий конф. маърузаларининг тезислари. - Тошкент, 2001. - Б. 46-47.
3. Атаева М. К фауне сем. Aphidiidae паразитов тлей Таджикистана/ Изв. отд. Сельскохоз. и биол. наук АН ТаджССР. - Душанбе, 1964. - Вып.4. - С. 114-119.
4. Ш.Т. Хўжаев, Э.А.Холмуродов. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини химоя қилиш ва агротоксикология асослари.Тошкент. – 2014.
5. Халилов К. ва б. Ғалла, пахта, сабзавот, полиз, боғ экинлари зарарқунандалари ва касалликларига қарши кураш усуллари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.93-125.
6. Хамраев А.Ш., Хасанов Б.О., Очилов Р.О., Азимов Ж.А. ва бошқ. Ғалла ва шолини зарарқунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш. -Тошкент, 1999 – 122 б.



Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

# SMARTFERT

## N 45-0-1

**Экинларнинг гуллаш  
ва илдиз отишини  
яхшилайдди**



+998 91 180 44 55

[www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

71 147 05 00

# ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

УДК 634.38: 581.2

## БОЛЕЗНИ ШЕЛКОВИЦЫ В МИРЕ И В УЗБЕКИСТАНЕ

М.П.Дехқонова, докторант,  
Д.Т.Турдиева, (PhD) доцент,

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии.

**Аннотация:** Ипакчилик дунёда қишлоқ хўжалигининг қадимий соҳаларидан биридир. Пилла ва хом ипак ишлаб чиқаришида Ўзбекистон дунёда 26 та мамлакат орасида Хитой ва Ҳиндистондан кейинги 3-ўринни эгаллайди. Ипак қуртларининг ягона озуқаси тут дарахти, асосан оқ тут (*Morus alba*) баргидир. Дунёда тут барглариининг ишлаб чиқариши учун етарли ҳажмларини барқарор равишда етиштиришга зарарли ҳашаротлар ва юқумли касалликлар тўсқинлик қилади.

**Калит сўзлар:** тут дарахти, *Morus* туркуми турлари, касаллик, фитопатоген замбуруғ, бактерия, вируслар, галл нематодалари, кураш чоралари.

**Аннотация:** Шелководство является одной из древних отраслей сельского хозяйства. По объёму производства шелковичных коконов и шёлка-сырца среди 26 стран Узбекистан занимает 3-е место в мире после Китая и Индии. Единственным источником питания для шелковичных червей являются листья деревьев шелковицы, главным образом *Morus alba*. Устойчивому производству листьев шелковицы в достаточных для производства количествах препятствуют вредные насекомые и инфекционные болезни.

**Ключевые слова:** Шелковица, виды рода *Morus*, болезни, фитопатогенные грибы, бактерии, вирусы, галловые нематоды, меры борьбы.

**Abstract:** Silk worm breeding is one of ancient branches of agriculture. Amongst 26 countries Uzbekistan stands third in production of both cocoons and raw silk, after China and India. Mulberry (mainly *Morus alba*) leaves are the only food for silkworms. Pests and infectious diseases are permanent threats for sustainable production of mulberry leaves in quantities that cover production needs.

**Key words:** Mulberry, *Morus* spp., disease, plant pathogenic fungi, bacteria, viruses, root knot nematodes, disease control.

*Fusarium* spp., *F. oxysporum*, *F. solani*. Семена шелковицы легко повреждаются при неосторожном обращении, а через мелкие трещины на их поверхности легко проникают различные микроорганизмы, в основном фитопатогенные грибы, например, виды рода *Fusarium*. Заражённые при этом семена могут погибнуть, или при их прорастании могут вырасти больные проростки. Виды рода *Fusarium* и некоторых других родов, вероятно, могут заражать также и неповреждённые семена, непосредственно проникая в их ткани через кутикулу и эпидермис. Такие выводы можно сделать, например, на основании результатов исследований, проведённых узбекскими исследователями (Шералиев, 1992; Азимджанов, 1995; Шералиев и др., 2009). По их данным всходы тутовника, выращенные из семян, часто поражаются грибами *Fusarium oxysporum*, *Fusarium solani* и ещё девятью видами этого рода, а количество погибших от фузариоза проростков при этом может составлять 20-30%, иногда и 40-50%. По сообщениям из Грузии из-за фузариоза всхожесть семян шелковицы может снижаться вовсе на 90-100%, а гибель и усыхание всходов и саженцев может достигать 60-90%. Фузариозом растения шелковицы продолжают болеть и в дальнейшем, но количество больных растений при этом в Узбекистане бывает меньше: гибель однолетних всходов составляет около 5-10%, привитых всходов – 2-3%, однако в плантациях количество больных растений может опять

увеличиться до 5-10% (Шералиев, 1992).

Виды родов *Fusarium* и *Alternaria*. Исследователи установили, что основными возбудителями гнили всходов шелковицы в Индии являются *Fusarium solani* и *Alternaria alternata*. Симптомы болезни заключались в загнивании и гибели всходов до (preemergence damping-off) или после (postemergence damping-off) появления их на поверхности почвы. Гибель всходов от этих двух форм болезни через 90 дней после сева семян составила от *F. solani* 40% и от *A. alternata* 44,7%. Эти два вида, а также ряд других видов рода *Fusarium* и других родов грибов известны как возбудители корневой гнили также у более взрослых растений шелковицы.

В Узбекистане космополитный вид *A. alternata* на различных субстратах встречается повсеместно, но поражение семян или всходов шелковицы этим грибом не зарегистрировано.

Меры борьбы. Против фузариоза семян и всходов рекомендуют для сева использовать свободные от инфекции, выполненные семена; протравить их перед посевом Узгеном 50% с.п. или Алгином 50% с.п. (д.в. обеих формуляций беномил) в дозе 3 г/кг; указывают, что эффективность протравки при этом составляет 95-98% (Шералиев, 1992).

В Индии для борьбы с гнилью всходов шелковицы, вызываемой *Fusarium solani* и *Alternaria alternata* испытали

Бавистин 50% с.п. (д.в. карбендазим) и Дитан М-45 75% с.п. (д.в. манкозеб). Препараты применяли несколькими методами: 1) предпосевная протравка семян; 2) внесение в почву и перемешивание её для равномерного распределения фунгицида; 3) полив всходов раствором фунгицида; 4) опрыскивание всходов через 35 дней после посева. Эти методы применяли по отдельности или в разных сочетаниях. Эффективность препаратов при этом составила 89,5-100%. Против питиоза также рекомендуют метод погружения черенков в раствор фунгицида Бавистин с концентрацией 10 ppm (0,01 г/л) или в его 1%-раствор.



**Рис.1. Мучнистая роса вызванная *Phyllactinia guttata* на листьях *Morus alba*: слева – хлоротические пятна на верхней и справа – налёт мицелия на нижней поверхности листа (Ramalingham, 2019).**

Симптомы и развитие болезни. На нижней стороне листьев деревьев шелковицы появляется белый налёт – округлые колонии мицелия, а на верхней стороне листьев – хлоротические пятна. Позже налёт становится буровато-серо-чёрным, листья – жёлтыми, хрупкими и негодными для кормления шелколичных червей. Мицелий может быть обильным, долго сохраняющимся или редким и исчезающим.

Конидии гриба распространяются по воздуху. Оптимальными для патогена являются тенистые места, температура воздуха в 24-28°C и ОВВ 75-80%. Инкубационный период болезни равен 14 дням. В неблагоприятных условиях гриб сохраняется с помощью хасмотециев. Хасмотеции образуются на живых листьях при низких среднесуточных температурах (14-17°C) и умеренной ОВВ (60-70%) в виде маленьких оранжевых телец, позже приобретающих бурую до чёрной окраску. При наступлении благоприятных для патогена условий погоды, развивающиеся в хасмотециях аскоспоры функционируют в качестве источников первичной инфекции.

Признаки патогена. Хасмотеции крупные, тёмно-красневшие, 180-205-220(245) мкм в диаметре, с 8-12 шиловидными придатками длиной 191-330-385 мкм, расположенными экваториально. Основания придатков шаровидно вздуты. В каждом хасмотеции имеются от 4-5 до 50 сумок. Сумки яйцевидные, с маленькой ножкой, размеры 72-83x32-41 мкм. Каждая сумка обычно содержит две, иногда 3 или 4 аскоспоры. Аскоспоры одноклеточные, удлинённо-эллиптической или яйцевидной формы, размеры 31-41x21-29 мкм. Конидии гиалиновые, одноклеточные, булавовидные, размеры 70x20.

#### ЛИТЕРАТУРА:

- 1.Хасанов Б.А., Очиллов Р.О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р.А. 2010. Болезни фруктовых, орехоплодных, цитрусовых деревьев, ягодников, виноградников и меры борьбы с ними. Ташкент: «Office-Print», 2010, 316 с. + 62 цв. илл. (на узбекском языке). (Хасанов Б. А., Очиллов Р. О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р. А. 2010. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: «Office-Print», 2010, 316 б. + 62 бет рангли тасвирлар.)
- 2.Хасанов Б.А., Сафаров А.А. 2019. Болезни грецкого ореха. Ташкент: изд. ТашГАУ, 2019 156 с. (на узбекском языке). (Хасанов Б.А., Сафаров А.А. 2019. Ёнғоқ дарахтининг касалликлари. Тошкент: ТошДАУ, 2019, 156 б.)
- 3.Хасанов Б.А., Турдиева Д.Т., Шеримбетов А.Г. 2019. Альтернариозы пшеницы и современная таксономия рода *Alternaria*. Монография. Ташкент, изд. ТашГАУ, 2019, 140 с. (на узбекском языке) (Хасанов Б.А., Турдиева Д.Т., Шеримбетов А.Г. 2019. Бўғдой альтернариозлари ва *Alternaria* туркумининг замонавий таксономияси. Монография. Тошкент, ТошДАУ, 2019, 140 б.)
- 4.Хасанов Б.А., Хамраев А.Ш., Эшматов О.Т., Алимухаммедов С.Н., Азимов Ж.А., Очиллов Р.О., Рашидов М.И., Гаппаров Ф.А. 2002. Защита хлопчатника от вредителей, болезней и сорных растений. Ташкент: «Университет», 2002, 384 с. (на узбекском языке). (Хасанов Б.А., Хамраев А.Ш., Эшматов О.Т. ва б. Ғузани зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш. Тошкент: «Университет», 2002, 384 б.)
- 5.Ходжаев Ш.Т. 2019. Общая и сельскохозяйственная энтомология и основы системы интегрированной защиты. Ташкент: ООО «Yangi Nashr Nashriyoti», 2019, 376 с.
- 6.Чантурия Н.Н., Гвинепадзе М.Ш. 1972. Испытание антибиотиков для борьбы с пятнистостями листьев шелковицы. Микология и фитопатология, 1972, том 6, № 6, с. 533—535 (цит. по Zakaulah, 1990)/
- 7.Шевченко С.В., Цилюрик А.В. 1986. Лесная фитопатология. Учебник для студентов вузов. Киев: «Вища школа», 1986, 383 с.
- 8.Шералиев А. 1992. Фузариозы тутовника. Ташкент: «Фан», 1992, 108 с. (на узбекском языке).
- 9.Шералиев А.Ш., Ахмедов Н.А., Собиров С.С. 2009. Болезни и вредители тутовника. Учебное пособие. Ташкент, ТашГАУ, 2009, 152 с. (на узбекском языке).
- 10.Aghayeva D.N., Abasova L.V., Takamatsu S. 2018. An overview of the genus *Phyllactinia* (Ascomycota, Erysiphales) in Azerbaijan. Plant & Fungal Research, 2018. vol. 1, No. 1, pp. 9-17. <https://www.researchgate.net/publication/332524144>. Accessed 10.09.2021.
- 11.Alexopoulos C. J., Mims C. W., Blackwell M. 2007. Introductory Mycology. 4th ed. Wiley – India, 2007, x + 869 pp.

# ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИНИ БОШҚАРУВЧИ ПРЕПАРАТЛАРНИ КЎЧАТНИНГ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Умурзаков Элмурод Умурзакович, қ.х.ф.д., профессор,  
Мамасалиев Илхом Фарходович, таянч докторант,  
СамДУ.

**Аннотация:** Эдагум СМ, гумми, натрий гумати каби ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситаларни қўллаш тамаки кўчати илдиз тизими ҳажмини 22,9 дан 48,6 % гача, қуруқ массасини 21,4 дан 31,4 гача, стандарт кўчат чиқишини 26,2 дан 43,5 % гача (назоратга нисбатан) ошириши аниқланди. Кўчатларни илдиз чирши касаллигига бардошлигини кескин оширганлиги қайд этилди.

**Калит сўзлар:** натрий гумати, гумми, эдагум СМ, тамаки, майсалаш, кўчатхона, барг, самарадорлик.

**Annotation.** The use of growth regulators - edagum SM, gum, sodium humate on tobacco breeding grounds increase compared to control the volume of the root system of tobacco seedlings by 22.9-48.6%, dry weight yield by 21.4-31.4%, output of standard seedlings 26.2-43.5%. At the same time significantly increases the resistance of plants to root rot disease seedlings.

**Key words.** sodium humate, gum, edagum SM, tobacco, root rot seedlings, seedlings, tobacco seedlings, efficiency.

**Кириш.** Тамаки кўчат орқали етиштирилаётган экинлар турига киради. Тамакини ҳосили ва хом ашё сифати ўз вақтида етиштирилган кўчатнинг стандарт талабларига жавоб бериши ва унинг зарарли организмлардан ҳимоя қилинганлигига боғлиқ (2,3,5,7).

Тамакичиликда кўчат етиштиришга алоҳида эътибор берилиши ва бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилиши ва инновацион усуллардан кенг фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади (2,3).

Сифатли кўчат етиштириш борасида фанда бир қатор илмий ва амалий ишлар бажарилган. Бутунроссия тамаки ва махорка экинлари илмий-тадқиқот институти олимлари Л.Г.Рильцева, М.П.Ненашева, В.Г.Неупокоевалар (2009) натрий гумат физиологик фаол моддасини тамаки кўчатига таъсирини ўрганиб, кўчатни ўсиш даврида 0,01-0,05% эритмасини қўллаганда кўчат сифатини кескин оширган. Улар кўчатда кечадиган физиологик жараёнларга регуляторларни таъсир кўрсатиши тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтган.

Тажриба шароитлари ва услублари. Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи биологик фаол воситаларни тамаки кўчатини ўсишига таъсири ЎзБАТ қўшма корхонаси Агрономия маркази даласида 2020-2021 йилларда тамакининг Басма навида ўрганилди. Тамаки кўчатини етиштириш технологияси мавжуд тавсиялар асосида амалга оширилди (2). Тажрибада натрий гумати, (30% э.кук), гумми (30% паста), эдагум СМ каби биологик фаол воситалар синаб кўрилди. Препаратлар кўчатнинг майсалаш, “қулоқча” даврларида ва кўчатларни тайёр бўлишдан 6-8 кун илгари 0,05 % концентрацияда сепилди. Тажрибадаги кузатув ва ўлчовлар “Методика полевых агротехнических опытов с табаком и махоркой” услублари асосида амалга оширилди (3). Тамаки кўчатининг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 10-133-88 га мувофиқ

аниқланди (4). Тажрибада ҳар бир вариант 4 қайтариқда, ҳар бир қайтариқлардаги кўчатхона майдони 30 кв.м дан қилиб олинди. Жами тажриба кўчатхона майдони 600 кв.м ни ташкил қилди.

Тажриба схемасида назорат сифатида оддий сув сепиш варианты киритилди.

Тажриба натижалари. Ўсимликни ўсишини бошқарувчи моддалар - регуляторлар замонавий деҳқончиликда жуда кенг қўлланилмоқда ва уларнинг самарадорлиги экинлардан юқори ҳосил олишда яққол сезилмоқда. Айниқса, кўчат орқали етиштириладиган экинлар, жумладан тамаки кўчатини сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар муҳим амалий аҳамият касб этади. Ўсимликни ўсишини бошқарувчи моддалар тамаки кўчати етиштиришда қўлланиши ижобий самара бериши аниқланди. Тамаки кўчатини етиштиришда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситаларни қўлланилиши кўчатни ўсиши ва уни илдиз тизими шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса, кўчатнинг майсалаш, “қулоқча” даврларида ва кўчатни далага экишдан 6-8 кун илгари натрий гумати ишлатилиши кўчатни илдиз тизими ҳажмини 48,6 %, кўчатни қуруқ массасини 31,4 % га ва стандарт кўчат чиқишини 43,5 % га оширилди. Ушбу кўрсаткичлар бошқа препаратларга қараганда юқори бўлганлиги қайд этилди.

Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситаларни тамаки кўчатхонасида синаш тажриба натижасига кўра, уларни кўчатни шакллантиришга бўлган самарадорлиги қуйидагича бўлди: натрий гумати, эдагум, гумми.

Биологик фаол воситаларни тамаки кўчатхонасида қўллаш уни илдиз тизими ҳажмини кескин равишда ошириши уни далага ўтказилганидан кейин илдиз тутишига ижобий таъсир кўрсатди.

## Ўсимликнинг ўсишини бошқарувчи воситаларнинг тамаки кўчати биометрик кўрсаткичларига таъсири

Тажриба вариантлари	Кўчат илдиз тизими ҳажми, см <sup>3</sup>	Назоратга нисбатан, %	Кўчатнинг қуруқ массаси (25 дона), г	Назоратга нисбатан, %	Стандарт кўчатларнинг чиқиши, м <sup>2</sup> /дона	Назоратга нисбатан %
Назорат ишловсиз	0,35	100,0	8,07	100,0	1613	100,0
Натрий гумати 30% э.кук.	0,52	148,6	10,63	131,4	2314	143,5
Гумми, 30%	0,43	122,9	9,80	121,4	2036	126,2
Эдагум СМ	0,48	137,1	10,16	125,9	2111	130,9

Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситалар қўлланилган кўчатхоналардан олинган стандарт кўчатхоналарни далада томир тутиш даври кескин қисқарганлиги қайд этилди. Агар назорат вариантдан олинган кўчатларни томир тутиши 25-30 кунни ташкил қилган бўлса, препаратлар қўлланган кўчатларни томир тутиши 15-17 кунга қисқариши уни келгусидаги бир маромда ўсиши ва ривожланишига ҳамда барглари тўлиқ пишиб етилишига имкон яратди.

Ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситаларни тамаки кўчатхонасида қўлланилиши юқори сифатли, бақувват ва соғлом кўчат етиштиришга имкон яратди, шунингдек

ниҳолларнинг даладаги ўсиш ва ривожланишини бир қадар жадаллашувига имкон яратди.

**Хулосалар.** Кўчатхоналарда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситаларни қўллаш кўчатни сифат кўрсаткичларини соҳа стандарти талабларига мувофиқ шакллантиришни таъминлайди. Уларни дала шароитида жадал ўсиши ва ривожланишига олиб келади. Тажрибада синалган препаратлардан натрий гумати юқори хўжалик самарадорликни кўрсатди. Бунда тегишли равишда стандарт кўчатни чиқиши 43,5 % ни ташкил қилди. Препаратларни кўчатни майсалаш, “қулоқча” даврида ва уни далага саралаб олишдан 6-8 кун илгари 3 марта сепиш тавсия этилади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Жуков А.М. Влияние регуляторов роста на урожай зерна озимой тритикале. *Аграрная наука*. 2007. №12.с.14-15.
2. Умурзоқов Э., Ҳамзаев Ш. Измир кўчатини етиштириш. *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги*, 2008, № 6. б. 33.
3. Умурзаков Э.У. Технология возделывания и уборки восточных и американских сортов табака в условиях Узбекистана.// - Автореф. дисс.на соиск.уч.ст.д-ра с.-х.наук, Ташкент, 1999, 38с.
4. Псарев Г.М., Штомпель Ю.А., Оказов П.Н. и др. Методика полевых агротехнических опытов с табаком и махоркой.// - Краснодар. 1978. с.140.
5. Рассада табака.//Технические условия: ОСТ 10-113-88. Москва. Росагропром, 1988, с. 8.
6. Рыльцева Л.Г., Ненашева М.П., Тютюнникова Е.М., Неупокоева В.Г. Применение гумата калия при выращивании рассады табака.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2009, - Вып. 178. – с. 221-225.
7. Алехин С.Н., Мурзинова И.И., Сидорова Н.В. Совершенствование технологии выращивания рассады табака в России.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2009, - Вып. 178. – с. 226-240.
8. Рыльцева Л.Г. Формирование качества рассады новых сортов табака сорта типа Вирджиния.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2009, - Вып. 178. – с. 216-221.
9. Алехин С.Н., Сидорова Н.В., Науменко С.Н., Виноградов В.А. Минеральное питание и черная корневая гниль табака.// Защита и карантин растений.- 2000.- № 7.-с. 32.
10. Филипчук О.Д. Своевременное технологии защита растений и фитосанитарная оптимизация табачного агроценоза.// Сборник научных трудов ГНУ ВНИИТТИ, - Краснодар, 2008, - Вып. 177. – с. 141-149.
11. Филипчук О.Д. Методика проведения полевых опытов по защите табака от вредных организмов.// - Краснодар, 1994. – 77 с.

## ANOR O'SIMLIGIDA UCHRAYDIGAN O'SIMLIK BITLARIGA QARSHI KIMYOVIY KURASHDA QO'LLANILADIGAN PREPARATLARNING SAMARADORLIGI

**Botirov Sodiq Ahmad o'g'li,  
Nizamiddinov Kamoliddin,  
Ter AIRI assistentlari.**

**Аннотация.** В данной статье выявлена эффективность обработки пестицидами в гранатовых садах Шерабадского района в зависимости от степени поражения, вызванного распространением тлей.

**Annotation.** This article reveals the effectiveness of pesticide treatment in the pomegranate orchards of the Sherabad district, depending on the degree of damage caused by the spread of aphids.

**Kalit so'zlar:** anor, o'simlik bitlari, preparat, hosildorlik, qarshi kurash, meyyor, tajriba, samaradorlik, barg, eksport, salohiyat.

**Kirish.** Bugun jahon tajribasi mamlakatlar iqtisodiy barqarorligini ta'minlashning asosiy omillaridan biri qishloq xo'jaligi tarmoqlarini rivojlantirish hamda eksport salohiyatini oshirish ekanini yaqqol ko'rsatmoqda. Hozirda eksport qilingan meva-sabzavotlarimiz dunyoning turli burchaklarigacha yetib boryapti. Oxirgi yillarda mahsulotlarni MDH mamlakatlaridan tashqari yirik tashqi bozorlar — Xitoy, Germaniya, Turkiya, Janubiy Koreya, Yaponiya, Hindiston, Boltiqbo'yi davlatlariga

eksport qilish yo'lga qo'yildi. Mamlakatimizda meva-sabzavot yetishtirish va qayta ishlashda sifatning yaxshilanishi, qadoqlash jarayonlarida zamonaviy texnologiyalarning qo'llanilishi hisobiga dunyoda o'zbek mahsulotlari, ayniqsa, gilos, anor, qovun, quritilgan mevalar, yong'oq va uzumga talab ortib bormoqda. Joriy yilning yanvar-fevral oylarida O'zbekiston 4,9 million AQSH dollari qiymatida 5,4 ming tonna anor eksport qildi, deb xabar bermoqda “Dunyo” AA muxbiri. Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga

ko'ra, anor eksporti o'tgan yilning shu davriga nisbatan 1,5 ming tonnaga ko'paygan. O'zbekistondan eng ko'p anor import qilgan davlatlar ro'yxatidan Rossiya (2,5 ming tonna), Qozog'iston (1,7 ming tonna), Tojikiston (492 tonna) va Qirg'iziston (239 tonna) joy olgan. Shu bilan birga, yanvar - fevral oylarida xorijga eng ko'p anor sotgan hududlar Qashqadaryo (998 tonna), Surxondaryo (823 tonna), Toshkent (767 tonna) va Farg'ona (661 tonna) viloyatlarining hissasiga to'g'ri keladi. [I.M -1]

**O'simlik bitlari**, shiralar — tengqanotli xartumli hashortlar kenja turkumi. Mingga yaqin turi ma'lum. Tana uz. 0,5—6,0 mm, tuxumsimon yoki oval shaklda, rangi och yashildan qo'ngirgacha. Boshi kamharakat, sanchibso'ruvchi og'iz apparati xartum ko'rinishida bo'lib, boshining orqa qismidan boshlangan bo'g'imlardan tashkil topgan. Mo'ylovlari 3—6 bo'g'imli. Ko'pincha qanotsiz. To'p'to'p bo'lib yashaydi. Qanotlilari bir o'simlikdan boshqasiga ko'chib o'tadi. O'simlik bitlarining rivojlanish sikli: odatda, tuxum holida ikki yoki ko'p yillik o'simliklarda qishlaydi; bahorda tuxumdan qanotsiz urg'ochi — asoschi vujudga kelib, 50—70 lichinka tug'adi, bular tez orada rivojlanib voyaga yetadi;

ikkinchi va navbatdagi keyingi avlodining voyaga yetgan individlari ham qanotsiz (partenogenetik, tirik tug'ib ko'payadi va qanotsiz qiz avlodni vujudga keltiradi). Rivojlanish sikli urug'langan tuxum qo'yish bilan tugallanadi. O'simlik bitlarilarining rivojlanish davri havo haroratiga bog'liq holda 3—20 kun. [6] Mavsumda 20 – 26 ta avlod beradi. Urg'ochisi yoz oyida 14 kungacha yashaydi. Qanotli urg'ochilar kuniga 1—2 lichinka, qanotsizlari esa 5—10 lichinka tug'adi. O'zgina yog'ingarchilik shiralarning rivojlanishiga yaxshi sharoit yaratadi; yirik tomchili, surunkasiga yoqqan shiddatli yomg'irlar ochiq yashovchi shiralarni yuvib, nobud qiladi. O'simlik bitlari bargnovdadagi shirani so'radi. Natijada o'simlik poyasi va ildizidagi uglevodlar zaxirasi keskin kamayadi. Bu esa barglarning buralishi, novdalarning qing'irqiyshiq o'sishi, to'qimalarning kasallanib shish, bujg'un va boshqalar har xil o'simtalor hosil qilishiga sabab bo'ladi. Zararlangan o'simliklarning hosildorligi 15—20% ga kamayib ketadi. Bundan tashqari, O'simlik bitlari kasal o'simlik shirasini so'rish bilan birga xavfli kasalliklarni

tarqatadi ham.[1]

Tajribalar tasdiqlangan ish dasturiga muvofiq quyidagi sxema bo'yicha o'tkazildi:

NESTOR 20% n.kuk.

KARACHE DUO 25% n.kuk.

MOSPILAN 20% n.kuk.

Nazorat - (preparatsiz).

Preparatlarni qo'llashning asosiy maqsadi o'simliklar o'suv davrida bitlarni maksimal darajada yo'q qilishga erishishdir, chunki bitlar o'simlikda kechadigan jarayonlarni buzishi va rivojlanishini kechiktirishi mumkin. O'simlik bitlariga qarshi 14 kunlik qarshi kurash choralarini olib borildi. [3]

1-jadval.

### 2021 - 2022 yillarda Sherobod tumani anor bog'larida o'tkazilgan tadqiqot natijalari.

№	Variantlar	Sarf meyyori l'ga, kg'ga	1 tup zararlangan anor o'simligidagi shiralar soni, dona (novda)				Biologik samaradorlik % da		
			Ishlov berilguncha	Ishlov berilgandan so'ng quyidagi kunlar o'tgach			3	7	14
				3	7	14			
1	NESTOR 20% n.kuk	0,60-0,70 kg'ga	53,5	31,7	21,5	4,7	40,7	60,7	91,2
2	KARACHE DUO 25% n.kuk	0,3-0,5 kg'ga	55,7	29,4	18,5	10,8	58,4	66,7	80,6
3	MOSPILAN 20% n.kuk	0,250-0,300 l'ga,	51,7	30,2	19,5	8,7	41,5	62,2	83,1
4	Nazorat varianti		50,2	40,2	25,7	21,2	-	-	-

2021 - 2022 yillarda Sherobod tumanida o'tkazilgan tadqiqot natijalari 1-jadvalda keltirilgan bo'lib, bunda sinalgan barcha kimyoviy preparatlar o'simlik bitlariga qarshi kurashda yuqori samaradorlikka ega ekanligi aniqlandi. O'tkazilgan tajribalar xulosasiga ko'ra, turli kimyoviy guruxlarga mansub NESTOR 20% n.kuk (Acetamiprid % 20 SP), KARACHE DUO 25% n.kuk (atsetamiprid 200 gr/l + Iyambdatsigalotrin 50 gr/l), MOSPILAN 20% n.kuk (Malation) sarf meyyorlarida O'simlik bitlariga qarshi qo'llash tavsiya etiladi. O'simlik bitlariga qarshi 2021-2022 yillarda Sherobod tumanida o'tkazilgan tadqiqot natijalariga ko'ra NESTOR 20% n.kuk (Acetamiprid % 20 SP), 0,60-0,70 kg'ga *sarf meyyorida sinalgan* 14 kuni 91,2%, samara bergan. KARACHE DUO 25% n.kuk (atsetamiprid 200 gr/l + Iyambdatsigalotrin 50 gr/l), 0,3-0,5 kg'ga sarf meyyorida sinalgan variantda 14 kuni 80,6%, samara bergan va MOSPILAN 20% n.kuk (Malation) 0,250-0,300 l'ga, sarf meyyorida sinalgan variantda 14 kuni 83,1% samara bergan.

#### ADABIYOTLAR:

1. Axmedov M.X. Tli-afididi (Homoptera, Aphidinea, Aphididae) aridno-gornyx zon Sredney Azii (ekologiya, faunogenez, taksonomiya) // Avtorof.dis....dokt.biol.nauk. – Tashkent, 1995. – s.48.
2. Xo'jaev.SH.T. O'simliklarni zararkunandalardan uyg'unlashgan himoya qilishning zamonaviy usul va vositalari. Toshkent:<Navruz> -2015 331 b.
3. Xo'jaev SH.T. Insektitsid, akaritsid, biologik faol moddalar va fungitsidlarni sinash bo'yicha uslubiy ko'rsatmalar (II-nashr). – Toshkent: Kom DAR, 2004. – 103 b.
4. Xo'jaev SH.T. Entomologiya, qishloq xo'jalik ekinlarini himoya qilish va agrotoksikologiya asoslari. – Toshkent: Fan, 2010. – 355 b.
5. Umurzakov E.U., Pulatov O.A. Tli orexovyx plantatsiy Zarafshanskoj dolini i nekotorye informatsii o ix bioekologii // Materialy mejdunarodnoj nauchno-prakticheskoy konferensii. - NII zashchity rasteniy.-Tashkent.-2019.- S. 540-544.
6. Umurzakov E.U., Pulatov O.A. Rol v soxranenii bioraznoobraziya agrobiotsenoza greskogo orexa yestestvennyimi entomofagami //Trudy po introduksii i akklimatizatsii rasteniy.- Выр.1.-UdmFIS UrO RAN.-Ijevsk, 2021,-s. 378-381
7. <https://yuz.uz/uz/news/eksport-taraqqiyot-tayanchi>
8. [www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
9. <http://www.referat.ru>

## BEDA (MEDICAGO SATIVA L.) EKININI YETISHTIRISHDA O'G'ITLARINING TA'SIRI

Boqiev Anvar G'aybullayevich, magistri,  
Charshanbiyev Umurzoq Yuldashevich, dotsent,  
Allanov Kholik Keldiyorovich, dotsent,  
Toshkent davlat agrar universiteti

**Annotatsiya.** Ushbu ilmiy maqolada beda yetishtirishda organik o'g'itlarni va "Sila Kremniya" o'g'itini qo'llash natijasida pichan hosildorligini oshirish natijalari keltirilgan. Beda yetishtirishda organik o'g'itlarni gektariga 10 tonna qo'llash va "Sila Kremniya" o'g'itini har o'rimdan keyin 100-150 g/ga me'yorda qo'llash evaziga 6-7 marta o'rib olish va har o'rimda o'rta 107-190 st/ga pichan hosili olishga erishilgan.

**Kalit so'zlar:** organik o'g'it, tuproq, gumus, mikroelement, beda, gektar, pichan, Sila Kremniy, me'yor, hosil.

**Аннотация.** В статье приводятся сведения о повышении урожайности сена в результате применения органических (10 т/га навоз, 10 т/га компост) удобрений и удобрения «Сила Кремния» при возделывании люцерны. За счет внесения органического удобрения в норме 10 т/га и применения удобрения «Сила Кремния» после каждого укоса люцерны в норме 100-150 г/а обеспечивается количество укоса люцерны довести до 6-7 раза и было заготовлено в среднем по 107-190 ц/га сена в каждом укосе.

**Ключевые слова:** органическое удобрение, почва, гумус, микроэлемент, люцерна, гектар, сено, «Сила Кремния», норма, урожайность.

**Annotation.** The article provides information on the increase in the yield of hay as a result of the use of organic (10 t/ha manure, 10 t/ha compost) fertilizers and the Silica Power fertilizer in the cultivation of alfalfa. Due to the introduction of organic fertilizer at a rate of 10 t/ha and the use of the "Silicon Power" fertilizer after each alfalfa mowing at a rate of 100-150 g/a, the amount of alfalfa mowing is ensured to be brought up to 6-7 times and an average of 107-190 q was harvested /ha of hay in each cut.

**Key words:** Organic fertilizer, soil, humus, microelement, alfalfa, hectare, hay, «Power of Silicon», norm, yield.

**Kirish.** Beda serhosil, oqsilga boy, tarkibida chorva mollariga kerakli deyarli hamma vitaminlar mavjud chorvachilik uchun asosiy ozuqa hisoblangan hamda almashlab ekishda yer strukturasi yaxshilaydigan va o'zidan keyin ekinlar hosildorligini oshiradigan manbadir. Ko'katlar tarkibidagi uy hayvonlari uchun zarur bo'lgan oqsil moddasining miqdori bo'yicha beda hamma dukkakli o'tlarga nisbatan ancha ustun turadi. Shuningdek, bedaning agrotexnik va meliorativ ahamiyati ham katta, u ko'pchilik ekinlarning yaxshi o'tmishdoshi, ya'ni beda ekilgandan so'ng uch yil o'tgach maysalar yaxshi saqlanganda tuproqni ko'p sonli ildiz qoldiqlari bilan boyitadi va ildizidagi tuganak bakteriyalar orqali har gektar yerda 500-800 kg atrofida havodan singdirilgan azot to'playdi, tuproq tuzilishini (strukturasi), suv, fizikaviy va kimyoviy xususiyatlarini yaxshilaydi, yerning sho'rlanishini, o'simliklarning kasalliklarga chalinishini kamaytiradi, xullas, yer unumdorligini qayta tiklaydi va ekinlarni, jumladan, g'o'za hosildorligini oshiradi. Tuproqda sun'iy yo'l bilan shuncha azot to'plash uchun har gektariga 3,8-4,1 tonnadan ammoniy sulfat solish lozim bo'ladi [1, 2, 5].

Beda ekilishi O'rta Osiyoda ko'p asrlik tarixga ega. Tarixdan yana shu narsa ma'lumki, O'rta Osiyo bedaning kelib chiqish markazlaridan biri hisoblanadi. O'zbekistonning tuproq-iqlim sharoiti sug'oriladigan yerlardan muntazam ravishda mo'l pichan va urug' hosili olish uchun g'oyat qulay. Lekin shuni ta'kidlash joizki, hozirgi vaqtda ishlab chiqarishda beda hosildorligi juda kam. Ya'ni respublikamiz sug'oriladigan yerlarida eski bedazorlardan gektariga o'rta 93 sentner, yangi bedazorlardan esa 27 sentner pichan hosili olinmokda. Bu bedaning hosildorlik bo'yicha potensial imkoniyatidan ikki barobar kam. Xo'jaliklar bu imkoniyatlardan samarali foydalanib, yaqin yillar ichida bedazorlarni yanada kengaytirishlari hamda gektaridan olinadigan pichanni 150-200, urug'likni esa 3-5 sentnergacha oshirishlari mumkin. Hozirgi vaqtda sug'oriladigan yerlardan olinayotgan beda urug'i juda kam, taxminan respublika bo'yicha gektariga 1,0 sentnerna tashkil etadi. Bunga urug'lik beda agrotexnik tavsiyalarga

rioya qilinmayotganligi, xo'jaliklarda uni ustiga-ustak va kichik-kichik maydonlarga ekilayotganligi, chanqatib qo'yilayotganligi yoki suv, shuningdek, zarpechak va boshqa yovvoyi o'tlarga bostirib yuborilayotganligi, zararkunandalar va kasalliklar bilan zararlantirishning oldi olinmayotganligi, beda gullarini changlatuvchi hasharotlar deyarli yo'qligi sabab bo'lmokda [1, 2, 3].

Qishloq xo'jaligi ekinlarining hosildorligini aniqlashga qaratilgan taklif etilgan yondashuv juda yuqori aniqlikni ko'rsatdi va usul erta prognozlash imkoniyatini beradi. NDVI indekslarining yetti kunlik kompozit qiymatiga mos keladigan dinamik egri yaqinlashuvi Gauss funksiyasi yordamida amalga oshirilishi mumkin. Toshkent viloyati Yangiyo'l tumanida haydaladigan yerlarning niqobi yillik maksimal NDVI bashorat qilish funksiyasi approximating yaxshi natijalar ko'rsatdi: prognozlash haftasiga qarab o'rtacha mutlaq prognoz xatosi modellashtirilgan davrda 0.6 dan 6.7% gacha bo'lgan.

Yerdan masofadan zondlash ma'lumotlari va Python dasturiy modullaridan foydalanish prognozni tezkor shakllantirishga va shunga mos ravishda qishloq xo'jaligi sohasining rejalarini o'zgartirishga yordam beradi. Turli xil ekinlarni niqoblash bo'yicha NDVI tahlillari bilan ushbu yo'nalishdagi tadqiqotlarni yanada rivojlantirish avvalgi bosqichda hosilni prognoz qilish imkonini beradi va nafaqat rejalarini o'zgartirishga, balki o'g'itlarni kiritish kabi hosildorlikni oshirish bo'yicha bir qator tadbirlarni amalga oshirishga imkon beradi. Tadqiqotning keyingi bosqichida Python dasturiy modullarini Vega-Science tizimi bilan integratsiya qilish va dasturiy mahsulotni to'g'ridan-to'g'ri qishloq xo'jaligi mutaxassislari tomonidan avtomatlashtirish va ulardan foydalanish imkoniyatini ta'minlash uchun interfeyslarni ishlab chiqish kerak. Tadqiqot natijalari alohida fermer xo'jaliklari va turli darajadagi qishloq xo'jaligi bo'limlari tomonidan talab qilinishi mumkin.

**Xulosa.** Masofadan turib zondlash yo'li orqali qishloq xo'jaligi yerlari kartalarini yaratish yoki yangilash hamda masofadan zondlash yo'li orqali ekin yerlarining vegetatsiya indeksini yaratish imkoniyatlari keltirilgan.

Dasturlar ma'lumot almashinuvi natijasida kosmosuratlarni koordinatalari bo'yicha bog'lovchi fayllari bilan yuklab olish va geoaxborot tizimi oilasiga mansub dasturiy ta'minotda geofazoviy bog'lash, vektorizatsiya qilish hamda elektron raqamli kartalarni 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000 va 1:100 000 masshtablarda tuzish va ekin yer maydonlarini vegetatsion kartalarini yaratish imkoniyatlari yaratilgan.

Ma'lumotlarni tahlil qilishda aerosuratlar va ArcGIS dasturlaridan keng foydalanilgan bo'lib, xozirda respublikamizning qishloq xo'jaligi ekin yerlarini kartalashtirishda mazkur uslublardan keng foydalanish uslubi takomillashtirildi.

#### ADABIYOTLAR:

1. Inamov A., Ruziev I., Nurjanov S. Interpolation in smoothing tin model of the earth. OP Conference Series: Materials Science and Engineering 030(1),012112.
2. Nilipovskiy, V., Inamov, A. Digital land registration: Practical aspects of application in Uzbekistan. International Multidisciplinary Scientific GeoConference Surveying Geology and Mining Ecology Management, SGEM 2020-August(2.2), c. 343-350.
3. Allen D.W. Getting to know ArcGIS modelbuilder//ESRI Press,380 NewYork Street, Redlands, California 92373-8100. 2011 y.
4. Agarwal, C., G. M. Green, J. M. Grove, T. P. Evans, and C. M. Schweik. 2002. A Review and Assessment of Land-Use Change Models: Dynamics of Space, Time, and Human Choice. General Technical Report NE-297. Newtown Square, Pennsylvania: U.S. Department of Agriculture, Forest Service, Northeastern Research Station. 61-p.
5. Salimi E., Soleimani K., Roshan M., Sabetraftar K. Land use planning for land management using the geographic information system (GIS) in the Loumir watershed of Guilan province in northern Iran//,2008 y. 141-149-p.
6. Dietz T., Rosa E.A., York R. 2007. Driving the human ecological footprint. Frontiers in Ecology and Environment, 5(1): 13–18-p.
7. Ellis E., 2007. Land use and land cover change. Encyclopedia of Earth.
8. Jones, R. 2005. A Review of Land Use/Land Cover and Agricultural Change Models. Stratus Consulting Inc. for the California Energy Commission, PIER Energy-Related Environmental Research. CEC-500-2005-056.
9. Liu M., Hu Y., Chang Y., He X., and Zhang W. 2009. Land Use and Land Cover Change Analysis and Prediction in the Upper Reaches of the Minjiang River, China. Environmental Management, 43(5), 899–907-p.
10. Wade T., Sommer Sh. A to Z GIS//ESRI Press,380 NewYork Street, Redlands, California 92373-8100. 2006 y.
11. Zandbergen P.A. Python, scripting for ArcGIS//ESRI Press,380 NewYork Street, Redlands, California 92373-8100. 2013 y.
12. <http://www.lex.uz>
13. <http://www.agro.uz>
14. <http://www.esri.com>

# ҒАЛЛАЧИЛИК

УЎК: 632

## ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ БУҒДОЙ ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Хайтбаева Нодира Сейтжановна,  
докторант,  
Хасанов Ботир Ачилович,  
ТошДАУ профессори,  
Бобобеков Қаландар Бобобекович,  
ЎҚҲИТИ лаборатория мудири.

**Аннотация.** Мақолада Республиканинг марказий ҳудудларидан Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бугдойнинг фузариоз касаллигининг тарқалиши зарари келтирилган. Бугдойнинг вегетация даврида фузариоз касаллиги билан касалланиш даражаси, касалликнинг таъсири белгилари ҳамда касалликни қўзғатувчи замбуруғларнинг турлари ўрганилган. Бугдойда фузариоз касаллигини келтириб чиқарувчи тулар *F. avenaceum*, *F. culmorum* ва *F. graminearum* эканлиги исботланган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида олинган маълумотлар 1 та жаadwal ва расмлар билан берилган.

**Калим сўзлар:** Бугдой, бошоқ, фузароиз, *F. avenaceum*, *F. culmorum*, *F. javanicum*, *F. graminearum*, *F. oxysporum*, ўсимлик, поя, илдиз.

**Аннотация.** В статье описывается ущерб, наносимый распространением заболевания фузариоза на пшеницы в центральных районах страны в Самаркандской, Джизакской, Сырдарьинской и Ташкентской областях. Изучали заболеваемость фузариозным увяданием в период вегетации пшеницы, внешние признаки заболевания и виды грибов, вызывающих заболевание. Доказано, что грибы, вызывающими фузариозное увядание пшеницы, являются *F. avenaceum*, *F. culmorum* и *F. graminearum*. Данные, полученные на основе исследования, представлены 1 таблицей и рисунками.

**Ключевые слова:** пшеница, колосья, фузароиз, *F. avenaceum*, *F. culmorum*, *F. javanicum*, *F. graminearum*, *F. oxysporum*, растение, стебель, корень.

**Annotation.** The article describes the damage caused by the spread of Fusarium disease on wheat in the central regions of the country in Samarkand, Jizzakh, Syrdarya and Tashkent regions. We studied the incidence of Fusarium wilt during the growing season of wheat, the external signs of the disease and the types of fungi that cause the disease. *F. avenaceum*, *F. culmorum* and *F. graminearum* have been proven to be the fungi causing Fusarium wilt in wheat. The data obtained on the basis of the study are presented in 1 table and figures.

**Key words:** wheat, ears, fusaroz, *F. avenaceum*, *F. culmorum*, *F. javanicum*, *F. graminearum*, *F. oxysporum*, plant, stem, root.

Маълумотларга кўра, дунёда ишлаб чиқарилган жами бўлиб, ноннинг сифати ун таркибидаги клейковина миқдорига бугдой маҳсулотлари 772 млн тоннани ташкил этади. Энг кўп боғлиқ.











бугдой етиштирувчи 10 та мамлакат қуйидагилар: Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Франция, Канада, Покистон, Украина, Австралия ва Германия. Ўзбекистонда кейинги йилларда гектаридан 40 центнердан юқори дон ҳосили олинмоқда, ялпи ҳосил миқдори эса 6,5-7,8 млн тоннани ташкил этган.

Бугдой дунёда энг кўп етиштирилган асосий донли экинлардан бири ҳисобланади. Дунё халқларининг ярмидан кўпи озиқ-овқат сифатида бугдой маҳсулотларидан фойдаланади. Бугдой нонининг таркибида крахмал кўп, анча оқсил ҳам бор; оқсил асосан, клейковина шаклида

Фузариоз билан касалланган далаларда 1 м<sup>2</sup> да ўсимлик сони.

№	Вилоят	Туманлар	1 м <sup>2</sup> соғлом ўсимлик дон	1 м <sup>2</sup> фузариоз билан касалланган ўсимлик дон	Касалланган % да
1	Самарқанд	Пастдарғом	430	323	24.8
		Оқдарё	390	276	29.3
		Паяриқ	412	304	26.2
2	Жиззах	Шароф Рашидов	398	301	24.3
		Пахтакор	395	289	26.8
		Ғаллаорол	350	216	38.1
3	Сирдарё	Сардоба	387	283	26.8
		Гулистон	385	275	28.5
4	Тошкент	Қибрай	403	304	24.5
		Куйи Чирчиқ	391	299	23.5

1-жаadwal.

	
Дала шароитида буғдой фузариознинг намён бўлиши	Дала шароитида фузариоз касаллигининг ўчоқ ҳосил қилиши
	
Вегетация даврида фузариоз билан касалланган ўсимликлар	Соғлом ва фузариоз билан касалланган ўсимликлар
	
Сут пишиш даврида фузариоз билан касалланган ўсимликлар	Сут пишиш даврида фузариоз билан касалланган ўсимликлар
	
Фузариоз билан касалланган ўсимликнинг микологик таҳлили	Буғдойнинг илдизи ва поясидан ўсиб чиқайтган <i>Fusarium</i> туркуми турлари
	
Касал ўсимликлардан ажратилган <i>Fusarium</i> туркуми турларининг соф культуралари	Касал ўсимликлардан ажратилган <i>Fusarium</i> туркуми турларининг соф культуралари

Республика шароитида буғдойнинг 10 тадан ортиқ навлари экилади. Буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишда агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, буғдойни ҳар бир вилоятнинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган муддатларда экиш, уруғларни экишдан олдин самарали уруғдориллагичлар билан дорилаш муҳим тадбирлар ҳисобланади. Лекин бу тадбирлар ўз вақтида қўлланилганда ҳам кўп ҳолларда буғдой вегетация охиригача бир қанча хавfli касалликлар билан зарарланиши мумкин. Бундай касалликлардан бири фузариоз бўлиб, у буғдойда асосан уч хил шакли бор, булар – илдиз чириши, илдиз бўғзи ва поянинг пастки қисми қорайиб, чириши (ва синиши) ҳамда бошоқ зарарланиши (калмарази) – бошоқ оқариб, донлари пуч бўлиб қолишидир. Илдиз чириш кузги буғдой уруғлари униб чиқиши даврида кўпроқ зарар етказади. Фузариоз илдиз чириш билан зарарланган буғдой ўсимликлари тупланмайди, яъни битта ўсимлик фақат битта бошоқли поя ҳосил қилади. Соғлом ўсимликда бир туп буғдой тупланиб, 7 тадан 15 тагача бошоқ ҳосил қилиши мумкин. Фузариоз билан зарарланган буғдой ўсимлиги поясининг бўғин ораликлари ичидан қуриб, ташқи томони очқўнғир, кейинроқ эса қорамтир рангга киради. Фузариоз билан зарарланган ўсимликлар пояларининг бўғинлари синиб кетиши, натижада бошоққа озуқа етиб бормасдан, поя ҳам, бошоқ ҳам оқариб, сарғайиб қуриб қолиши кузатилади [2,3,4].

Бошоқ фузариози буғдойнинг донини зарарлайди. Фузариоз билан касалланган донлар пуч бўлиб қолади. Соғлом ўсимликда 1000 та дон оғирлиги 38-45 грамм бўлса, фузариоз билан касалланган донларнинг оғирлиги 22-27 граммгача камайиб кетиши тадқиқотларда кузатилган.

Ўзбекистоннинг 4 та вилоятида 2020-2022 йилларда ўтказилган тадқиқотларда фузариоз илдиз чириш, поя ва бошоқ фузариози билан касалланган далаларнинг 1 м<sup>2</sup> да ўсимлик сони касаллик тарқалмаган далаларга нисбатан таққослаб ўрганилди. Ҳар бир даланинг 20 та жойидан шахмат усулида ўсимликлар сони саналди.

Биз республиканинг марказий ҳудудларида 4 та вилоят, 10 та туман, 24 та фермер хўжалиқларининг буғдой далаларида кузатувлар ўтказдик ва касаллик тарқалишини ўргандик (2020-2022йй). Бунда касаллик энг кўп тарқалиши Ғаллаорол туманидаги лалми буғдой экинларида кузатилди. Фузариоз касаллиги учрамаган далаларда 1 м<sup>2</sup> да ўсимлик сони 350 донани ташкил қилган бўлса, касаллик кенг тарқалган жойларда 216 та (яъни, 38,3% га кам) ўсимлик мавжуд бўлган. Бунда ўсимлик сонидан ташқари, унинг тулланиши ҳам камайганини кўришимиз мумкин. Касалланиш кам

учраган далалар асосан Тошкент вилоятда кузатилди, бунда фузариоз билан касалланган ўсимликлар сони 23,5-24,5 % ни ташкил қилди.

Касаллик белгилари намоён бўлган далалардан буғдой ўсимликлари олиб келинди ва лаборатория шаротида таҳлил қилинди. Буғдойда касаллик кўзгатувчи фузариоларнинг патоген турларини аниқлаш учун ўсимликнинг илдиз, поя ва барглари сунъий озуқа муҳитларига экилди ва ўсиб чиққан *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг соф культура-лари ажратиб олинди ва турлари аниқланди.

Ушбу расмларда буғдойнинг фузариоз касаллигига хос белгилар кўрсатилган. Утказилган тадқиқотлар натижасида жами *Fusarium* туркуми турларининг соф культуралари

ажратиб олинди ва улар морфологик белгилари асосида *F. avenaceum*, *F. culmorum*, *F. javanicum*, *F. graminearum* ва *F. oxysporum* турлари эканлиги бирламчи аниқланди [5,6]. Булардан *F. avenaceum*, *F. culmorum* ва *F. graminearum* буғдойда илдиз чириш кўзгатиши тадқиқотчилар томонидан исботланган; *F. oxysporum* ва *F. javanicum* турлари эса буғдой патогенлари эмас, аммо улар бошқа патогенлар билан зарарланган буғдой илдизларининг тўқималарини иккиламчи эгаллаб олувчи сапрофит замбуруғлардир [7,8,9]. Буғдойнинг фузариоз касаллигининг олдини олиш ёки унга қарши кураш чораларини қўллашда энг аввало алмашлаб экиш схемаларини қўллаш ҳамда уруғларга экиш олдидан кимёвий ва биологик препаратлар билан ишлов бериш яхши самара беради.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Атабаева Х.Н., Худайқулов Ж.Б. "Ўсимликшунослик". "Фан ва технологиялар" нашриёти, Тошкент: 2018.
2. Атабаева Х.Н., Азизов Б.М. «Буғдой». Монография, Т. ТошДАУ, 2008, 10,5 б.т.
3. Гагкаева Т.Ю., Гаврилова О.П., Левитин М.М., Новожилов К.В. Фузариоз зерновых культур. Приложение к журналу «Защита и карантин растений», 2011, № 5, с. 70-120.
4. Хайтбаева Н., Шералиев А. Қорақалпоғистон республикасининг шўрланган тупроқларида буғдойнинг фузариоз касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Монография ТошДАУ, Тошкент, 2020, 130 б.
5. Leslie J.F., Summerell B.A. 2006. The Fusarium Laboratory Manual. Ames, Iowa, USA, Blackwell Publishing, 2006, xii + 388 pp.
6. Сафаров А.А., Турдиева Д.Т., Ҳасанов Б.А. Буғдойнинг фузариоз илдиз чириши. Агрокимёхимоя ва ўсимликлар карантини, 2020, № 5, 95-100 б.
7. Хасанов Б.А., Сафаров А.А., Турдиева Д.Т. Фузариозные корневые и прикорневые гнили пшеницы в мире и в Узбекистане (обзор). Узбекский биологический журнал, 2020, № 5, стр. 21-32.
8. Ҳасанов Б.А., Турдиева Д.Т., Сафаров А.А., Тўхтамишев С.С. Буғдойнинг илдиз чириш касалликлари. Монография. Тошкент: « ТошДАУ, 2020, 144 бет.

УЎТ: 631.635.651

## МОШНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ЭКИШ СХЕМАСИНING ТАЪСИРИ

Аралова Минаввар Номоз қизи,

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти ассистенти.

**Аннотация:** Ушбу мақолада мошни ўсиши, ривожланишига қатор ораси 60 см, экиш тизими 60x20, 60x15, экиш чуқурлиги 3-4 см бўлганда, содир бўладиган ўзгаришларни ўрганиш натижалари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** оқсил, муддат, тупроқ, дуккак, азот, чуқурлик, меъёр, ҳосилдорлик.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы результаты изучения изменений, происходящих при росте моши, междурядье 60 см, система посадки 60x20, 60x15, глубина посадки 3-4 см.

**Ключевые слова:** белок, продолжительность, почва, бобовые, азот, глубина, норма, урожайность.

**Abstract:** This article analyzes the results of the study of changes that occur when the growth of the mosh, the row spacing is 60 cm, the planting system is 60x20, 60x15, the planting depth is 3-4 cm.

**Keywords:** protein, duration, soil, legume, nitrogen, depth, norm, yield.

Кириш. Бугунги кунда энг асосий муаммолардан бири бу оқсил масаласи, яъни инсониятни оқсилга бўлган талабини қондиришдир. Ҳозирги вақтда юртимизда дон-дуккакли экинларга катта эътибор қаратилиб экин майдонлари кенгайтирилмоқда. Дуккакли-дон экинлари орасида мош экиладиган майдон ҳажми жиҳатидан жаҳонда соядан кейин иккинчи ўринда туради (25 млн гектарга яқин). Республика-мизда ҳар йили мош такрорий экин сифатида 18-20 минг гектардан ортқ майдонда етиштирилади. Мош озиқалик қиймати билан буғдой, ловия, нўхат, кўк нўхат ва жавдар донларидан 1,5-2 баравар, тўйимлиги бўйича эса 1,5 ба-

равар устун туради. Мош таркибидаги оқсилнинг ҳазмланиши 86 фоизга етади. Мош таркибида оқсил 24-28%, лизин 8%, аргинин 7% бўлади, В1 ва РР витаминлар кўп бўлади. Илмий манбалардан маълум бўлишича, мош вегетация даврида тупроқда 50–100 кг/га биологик азот ва органик моддалар тўплаб, ернинг табиий унумдорлигини ошириши билан бирга оқсил ва витаминларга бой бўлган. Юртимиз далаларида етиштирилган мош экспорти бўйича Хитой 12,5 минг тонна кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Покистонга 7,6 минг тонна, Афғонистонга 2,6 минг тонна ва Қозғистонга 1,2 минг тонна мош экспорт қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида қишлоқ хўжалиги экинларини экиб маҳсулот олиш борасида бир майдондан икки марта дон ҳосили олишга ҳам эришилмоқда. Такрорий экин сифатида дуккакли дон ва ем-хашак экинларининг экилиши тупроқ унумдорлигининг ошишида ва чорва ҳайвонлари учун тўйимли озуқа етиштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Дуккакли дон экинлардан бири ҳисобланган мош дон олиш учун экилганда бу экин тупроқни органик моддаларга ва биологик азотга бойитади. Натижада, тупроқ унумдорлиги ортади ва кейинги экинларнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилади, ҳосилдорлигини оширади.

Мош ем-хашак, сабзавот, дон экинлари учун ажратилган далаларга ҳам экилади. У жуда кўп экинлар, маккажўхори, кузги бошоқли дон экинлари, картошка, сабзавот экинлари, ғўза учун яхши ўтмишдош. Чунки унинг илдизлари орқали ўзлаштирган азот билан ўзини ўзи таъминлаб келгуси йил ҳосили учун 30-40 кг соф ҳолдаги азот қолдириб кетади.

Мошнинг илдизларида табиий (нитрогенисиз) шаклланувчи ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириб тупроқларимизда биологик азот кўринишида тўплаб берувчи туганакчалари жуда тез ва кўп шаклланади, агар мош экиладиган майдонларни экишга тайёрлаш даврида гектарига ўртача 30-35 кг. дан азот ҳисобидаги минерал ўғитларни, гектарига 60 кг. дан фосфор ва 40-50 кг. дан калий ўғитига қўшиб тупроққа НРУ-0,5 ўғит сочувчи механизмлар билан берилиши керак. Бу берилган азот мош ўсимлиги учун “старт” меъёрига айланиб, ўсимликни илдиз ва бошқа қисмларининг ўсишини жадаллаштириш билан бирга, мош ўсимлигининг илдизиди пайдо бўладиган азот тўпловчи туганакчаларнинг шаклланишини тезлаштиради, уларнинг сони кўпайишига олиб келади. Кўкат ўғит сифатида ишлатилганда ғўза ҳосили 40—60 % ортади. У анғизга экилганда ҳам гектаридан 15—18 с уруғ ҳосили беради. [4].

Мош бўйича фенелогик кузатув “Методика Государственных инспекции по сортоиспытаниям сельскохозяйственных культур (М.1971)” ҳамда Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта (М.Агропромиздат, 1985)” ва дала тажрибаларини ўтказиш услублари [(ЎзПТИ2007)] [1] каби методикалардан фойдаланилди. Мошнинг нав танлов кўчатзориди фенелогик кузатувлар ўтказилди. Бунда мошнинг ўсув давридаги асосий: униб чиқиши, ғунчалаш, гуллаш, дуккак ҳосил қилиш ва пишиш фазалари кузатилди ва амал даврининг давомийлиги аниқланди. Пишиш фазаси охирида биометрик кўрсаткичлар аниқланди. Олинган боғламларда ўсимлик бўйи, пастки дуккак жойлашиши, шохлар сони, бир ўсимликдаги дуккак сони, дон вази, 1000 та дон оғирлиги аниқланди.

Мош анғизга экиладиган бўлса дон экинлари экиб сомони олиб кетилгандан дархол далага сув кўйилади. Ер тобига келгандан 20-22 см чуқурликда чизелланиб борона босилади. Мола қилинади. Ер яхшилаб таёрлангандан кейин мошни экишга киришилади. Экиш мослаштирилган дон сеялкаси, сабзавот ёки маккажўхори сеялкаларида кенг қаторлаб бажарилади. Экиш билан бир вақтда оқучниклар ёрдамида жуяклар олиб кетилади. Экиш муддатини жуда кечиктириб юбориш ярамайди. Чунки қанча кеч эксак шунча ҳосилдорлик камайиб кетади.

Мош такрорий экин сифатида қатор ораси 60 см, экиш тизими 60x20, 60x15 бўлади. Экиш меъёри гектарига 250000–400000 минг дона. Экиш чуқурлиги 3-4 см.

Мошнинг давлат реестрига киритилган “Победа-104”, “Радость”, “Наврўз”, “Кахрабо”, “Дурдона”, “Турон”, “Зилола”, “Маржон” ва бошқа навларини экиш тавсия қилинади. Уруғни экишда кўпроқ қатор ораси 60 см бўлган пневматик

сеялкалардан СПЧ-6-8, янги замонавий пневматик типдаги сеялкаларидан фойдаланилади.

Уруғ экиш меъёри гектарига 20-25 кг. гача тупроқда нам кам бўлса, чуқурроқ экилиши тавсия этилади. Мош ўсимлигининг туп сони 320-330 минг туп бўлиши керак. Бунинг учун 60 см x 5 см -1 схемада экилганда 333 минг дона кўчат ҳосил қилинади. Мошни, албатта, сеялкада экиш керак. Йирик уруғли навлар экилганда гектарига 30 кг гача уруғлик сарфланади.

Мош уруғи экилганда тупроқни ҳаддан ташқари намиқиб кетиши униб чиқишига салбий таъсир этади. Мош уруғи экилгандан сўнг оғирлигига нисбатан 90–92% нам талаб қилиб, жуда қисқа муддатларда униб чиқади.

Мош экилган тупроқлардаги намликнинг даражасига қараб, агар намлик ЧДНСга нисбатан 70 фоиздан кам бўлса, гектарига 500-550 м<sup>3</sup> меъёрда уруғ суви берилиши керак. Шунда экилган уруғларнинг тўла униб чиқишига эришилади. Ҳосилдорликни белгиловчи энг муҳим омиллардан бири майдонлардаги кўчатларнинг тўла бўлиши ҳисобланади. Мош ўсимликлари кўчат қалинлиги меъёрида бўлса, бир текисда поянинг пастидан кўп шохламасдан ўсади, барвақт ва бир текис этилади, кутилган ҳосил яратилади.

Ўсимликларда биринчи 3 талик барг пайдо бўлиши билан қатор орасини 6-8 см чуқурликда, иккинчи марта тўла гулга қираётганда 10-12 см чуқурликда культивация қилиш зарур. Бу тупроқларнинг ғовақлигини ошириб ўсимликларнинг яхши ўсишини таъминлайди.

Мош тупларида дуккаклар кўриниши билан ҳар гектарига 500-600 м<sup>3</sup> меъёрда суғорилади. Ортиқча сув берилиши ўсимликлар ўсув даврининг чўзилишига ва дуккакларнинг пишиб етилмай қолишига олиб келади. Катта меъёрдаги сув тупроқни зичлаштиради, микрофлораларга, ўсимлик илдизига ҳаво етишмаслигига олиб келади, бу ҳам ҳосилни камайтиради.

**Хулосалар.** Мош такрорий экин сифатида қатор ораси 60 см, экиш тизими 60x20, 60x15 тизимда, 3-4 см чуқурликда экилади. Уруғни экиш учун қатор ораси 60 см бўлган пневматик сеялкалардан СПЧ-6-8, янги замонавий пневматик типдаги сеялкаларидан фойдаланиш лозим. Уруғ экиш меъёри гектарига 20-25 кг. гача. Йирик уруғли навлар экилганда гектарига 30 кг гача уруғлик сарфланади. Мош дуккакларининг пишиш даври узоқ чўзилмайди, айниқса, кўчат қалинлиги яхши таъминланган далаларда мош дуккаклари бир текис, бир вақтда этилиб қораяди, пастки барглари сарғая бошлайди. Мош дуккакларининг 70-75 фоизининг ранги қорайганда, яъни пишганда уни ўришга киришиш керак

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта, Изд-во «Колос» Москва 1985г
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. 2007 й.
3. Мавланова Р.Ф., Сулаймонов Б.А., ва бошқалар. Мош етиштириш технологияси Т., 2018 йил
4. Мош етиштириш технологияси. Тавсиянома. Тошкент-2018
5. Орипов Р., Халилов Н. Ўсимликшунослик. – Тошкент.: 2006. –Б.245-248
6. Турсунов С. Ўсимликшунослик. Т., “Ижод-пресс”, 2019.
7. Атабаева Х.Н. ва бошқалар. Ўсимликшунослик. Т., Меҳнат, 2000.
8. Ўзбекистон Республикаси экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган навларининг тавсифи. Т., 2006 йил.

# АЗОТЛИ ЎҒИТ МЕЪЁРИ СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСИМЛИК БЎЙИ ШАКЛЛАНИШИДА НАВНИНГ ХУСУСИЯТИГА ТАЪСИРИ

Мирзаев Нуриддин Файзуллаевич, к/х.ф.ф.д., илмий котиб,  
Жанубий деҳқончили илмий-тадқиқот институти,  
Хазраткулова Шахноза Усмоновна, к/х.ф.ф.д., доцент,  
“ТИҚХММИ” МТУнинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти.

**Аннотация:** в данной статье освещаются изменения почвенно-климатических условий южного региона республики в зависимости от биологии сорта и влияния азотных удобрений при измерении высоты растений сои каждый месяц и в конце выращивания. время года.

**Ключевые слова:** Тень, зерно, минеральные удобрения, азот, высота растений, период вегетации, сорт.

**Abstract:** This article highlights the changes in the soil and climatic conditions of the southern region of the republic, depending on the biology of the variety and the effect of nitrogen fertilizers when measuring the height of soybeans every month and at the end of cultivation. season.

**Keywords:** Shade, grain, mineral fertilizers, nitrogen, plant height, growing season, cultivar.

Юртимизда экилаётган дуккакли дон экинлари орасида соя ўсимлигининг қадрлари баланд ҳамда буғдой, шоли ва маккажўхоридан кейинги ўринни эгаллайди.

Соянинг дони ва оксидидан тўрт юздан зиёд турли хил маҳсулот тайёрланади. Унинг дони таркибида 45 фоизгача оқсил ва 25 фоизгача ўсимлик мойи, чорва моллари оксидида камдан-кам учрайдиган аминокислоталар мавжуд. Соя оксидидан экологик тоза сифатли мой, таркибида лецитин моддаси сақлайдиган тухум кукуни, қон плазмалари, кўзойнақлар учун сифатли линзалар олинади. Бундан ташқари, жун газламалар ишлаб чиқарилади. Уларни ҳақиқий жунли матолардан ажратиш мушкул.

Ўсимликларнинг ривожланишига турли омиллар - нав хусусиятлари, тупроқ ва об-ҳаво шароити, етиштириш технологияси таъсир қилади.

Д.Ёрматова (2019) маълумотларига кўра, соя Ўзбекистон иқлим шароитида юқори ҳосил беради, фақат навни тўғри танлаш ва агротехникасини фермерларга ўргатиш зарур. Нитрагин ёки биоўғит ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз лозим [1].

В.С.Никляевни сўзларида соя экини азот тўплаш хусусияти эвазига баҳорги ва кузги донли экинлар, маккажўхори ва бошқа экинларга яхши ўтмишдош ҳисобланади [2].

М.Т.Мухинанинг (2015) таъкидлашича, ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши физиологик ва биокимёвий жараёнлар билан узвий боғлиқдир. Ўсимликнинг морфологик белгиларига, ҳосил структурасига турли хил омиллар ўз таъсирини кўрсатиб ўтган [3].

Тадқиқотларимизда соя бўйини вегетация даврида ҳамда вегетация даврининг охирида ўлчанимида, навнинг биологиясига кўра ҳамда азотли минерал ўғитлар таъсирида ўзгаргани кузатилади.

2018-2020 йиллар тадқиқотлар натижасига кўра, шоналаш фазасида (азотли

минерал ўғитлар қўлланилмаган давр) 13,3-18,1 см бўлиб, энг баланд кўрсаткич “Тўмарис-Ман-60” навида, энг паст кўрсаткич “Селекта-201” навида кузатилади.

Ушбу кўрсаткич шохланиш фазалари санасида 22,8-59,2 см ни ташкил этиб, азотли минерал ўғитлар таъсирида кескин ўзгариши аниқланди. Назорат вариантда соя навлари ўсимлик “Амиго” навида энг паст (22,8 см) ва “Ойжамол” навида энг баланд (32,1 см) бўлиши аниқланган.

Азотли минерал ўғитлар 60 кг/га қўлланилган вариантда ўсимлик бўйи 29,5-43,0 см бўлиб, назорат вариантга нисбатан “Селекта-201” навида энг кам (6,4 см) ўсиш, “Ойжамол” навида эса энг баланд (10,9 см) ўсиш кузатилади.

Шунингдек, N<sub>90</sub> кг/га вариантда ўсимлик бўйи 32,7-47,5 см, 1-жадвал.

## Соя навларининг ўсимлик бўйига азотли ўғитлар меъёрининг таъсири.

Вариантлар	Навлар	Ўсимликнинг убий, см			
		шоналаш	шоҳланиш	гуллаш	вегетация охирида
Назорат	Амиго	15,0	22,8	33,8	41,5
	Селекта-201	13,5	24,5	36,0	40,5
	Тўмарис-МАН-60	16,3	27,5	44,8	58,2
	Ойжамол	16,4	32,1	53,6	70,0
N <sub>60</sub> кг/га	Амиго	14,8	29,5	48,3	54,6
	Селекта-201	13,5	30,9	50,4	54,8
	Тўмарис-МАН-60	16,5	34,5	58,7	73,5
	Ойжамол	17,8	43,0	72,0	92,1
N <sub>90</sub> кг/га	Амиго	14,9	32,7	52,2	62,1
	Селекта-201	13,3	34,3	54,7	60,0
	Тўмарис-МАН-60	17,1	38,2	64,8	80,6
	Ойжамол	18,1	47,5	78,8	100,3
N <sub>120</sub> кг/га	Амиго	14,9	35,4	56,1	65,6
	Селекта-201	13,3	37,3	57,6	63,8
	Тўмарис-МАН-60	16,6	42,5	69,8	87,2
	Ойжамол	18,1	53,3	85,5	109,5
N <sub>150</sub> кг/га	Амиго	15,0	39,8	60,0	71,1
	Селекта-201	13,5	41,5	61,8	68,1
	Тўмарис-МАН-60	16,5	46,9	74,5	94,7
	Ойжамол	18,1	59,2	92,7	116,3

назорат вариантга нисбатан 9,8-15,4 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (9,8 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (15,4 см) ўсиши,  $N_{120}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 35,4-53,3 см, назорат вариантга нисбатан 12,7-21,2 см юқори, “Амиго” навида энг кам (12,7 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (21,2 см) ўсиши,  $N_{150}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 39,8-59,2 см, назорат вариантга нисбатан 17,0-27,1 см юқори, “Амиго” ва “Селекта-201” навларида энг кам (17,0 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (27,1 см) ўсиши кузатилган.

Ушбу кўрсаткич гуллаш фазасида таҳлил қилинганда назорат вариантда 33,8-53,6 см бўлиши, энг паст бўйли ўсимлик “Амиго” ва энг баланд бўйли ўсимлик “Ойжамол” нави экинлиги аниқланди.

Шунингдек,  $N_{60}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 48,3-72,0 см, назорат вариантга нисбатан 13,9-18,3 см юқори, “Тўмарис-МАН-60” навида энг кам (13,9 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (18,3 см) ўсиши,  $N_{90}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 52,2-78,8 см, назорат вариантга нисбатан 18,5-25,2 см юқори, “Амиго” навида энг кам (18,5 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (25,2 см) ўсиши,  $N_{120}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 56,1-85,5 см, назорат вариантга нисбатан 21,6-31,8 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (21,6 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (31,8 см) ўсиши,  $N_{150}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 60,0-92,73 см, назорат вариантга нисбатан 25,8-39,0 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (25,8 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (39,0 см) ўсиши кузатилган.

Вегетация охирида соя навларининг бўйи баландлиги таҳлил қилинганда, назорат вариантда хорижий “Амиго” ва

“Селекта-201” навлари паст (40,5-41,5 см) навлар эканлиги аниқланди.

Шунингдек, маҳаллий шароитда яратилган “Тўмарис-МАН-60” ва “Ойжамол” навлари эса, баланд бўйли 58,2-70,0 см бўлиши аниқланди.

Азотли минерал ўғитлар 60 кг/га қўлланилган вариантда ўсимлик бўйи 54,6-92,1 см бўлиб, назорат вариантга нисбатан “Амиго” навида энг кам (13,1 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (22,1 см) ўсиши кузатилди.

Шунингдек,  $N_{90}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 60,0-100,3 см, назорат вариантга нисбатан 19,5-30,3 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (19,5 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (30,3 см) ўсиши,  $N_{120}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 63,8-109,5 см, назорат вариантга нисбатан 23,3-39,5 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (23,3 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (39,5 см) ўсиши,  $N_{150}$  кг/га вариантда ўсимлик бўйи 68,1-116,3 см, назорат вариантга нисбатан 27,6-46,3 см юқори, “Селекта-201” навида энг кам (27,6 см) ўсиши, “Ойжамол” навида эса энг баланд (46,3 см) ўсиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, соя навлари бўйининг баландлиги навнинг хусусий белги хусусиятларига кўра ўзгарган. Шунингдек, соя навларини азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилиши амалга оширилмаганда энг паст бўлиши ва азотли минерал ўғитлар билан 150 кг/га ҳисобида озиклантирилганда энг баланд бўлиши аниқланди. Буни соя навларининг Қашқадарё вилояти тупроқ иқлим шароитларида азотли минерал ўғитларга талабчанлиги юқорилиги билан изоҳлаш мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ёрматова Д., Мамлакатимизда соя етиштириш хусусида хулосалар. Экологиямиз фидойиси. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 1-сон, 2019.20-21-б.
2. Никляев В.С. Основы технологии сельскохозяйственного производства Земледелие и растениеводство Учебник Москва Былина 2000. –Б. 356-359.
3. Мухина М.Т. Применение регуляторов роста комплексного действия на урожайность и качество сои сорта Вилана / М.Т. Мухина // «Агроэкологические основы применения удобрений в современном земледелии» / матер. Междунар. науч. конф. молодых ученых, специалистов-агрохимиков и экологов (ВНИИА). – М.: ВНИИА, 2015. – С. 149–152.

УЎТ: 633.14:631.51

## ЖАВДАР НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГИ ЭКИШ МУДДАТИ ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Исмоилов Воҳид Исропилович,

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети  
таянч докторанти,

Турсунов Шермухаммад Нурмаматович,  
ДДЭТИ Самарқанд ИТС директори.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены влияние сроков посева и норм минеральных удобрений на высоту растений, число продуктивных стеблей, массу 1000 семян и урожайность. Высокая урожайность наблюдалась у сортов Вахиская 116 и Шалола, что составила 63,5 и 66,6 т/га в варианте с использованием норм удобрений  $N180P110K90$  кг/га и оптимальным сроком посева 15 октября. Отмечено, что урожайность была на 36,3 и 39,0 ц/га выше контрольного (без удобрений) варианта.

**Abstract.** The article describes the influence of rye varieties in combination with sowing dates and application rates of mineral fertilizers on plant height, number of productive stems, weight of 1000 grains and grain yield. The highest grain yield

*in varieties Vakhshskaya 116 and Shalola was 63.5 and 66.6 t/ha in the option of using N180P110K90 kg/ha, the optimal sowing date is October 15. It was noted that it was 36.3 and 39.0 t/ha higher than the control (without fertilizers) variant.*

Самарқанд вилояти шароитида шу минтақага мос, эр-тапишар, серҳосил ва юқори сифатли дон берадиган кузги жавдар навларини мақбул экиш муддати ҳамда минерал ўғитлаш меъёрларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қишлоқ хўжалигида истиқболли технологияларни яратиш ва жорий этиш орқали ҳосилдорликни ошириш, жумладан янги навларни танлаш ва етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Жавдар унидан тайёрланган нон хуштаъмлиги жиҳатидан буғдой унидан тайёрланган нонлардан фарқ қилади. Унинг таркибида қимматли оқсил ва дармондорилар мавжуд.

Россиялик олимлар С.И.Новоселов, Н.И.Толмачев, А.В.Муржинова [2; 14-15 б] кузги жавдарни тоза шудгорга экиб ўрганишганда, ўғитсиз вариантда дон оқсили 10,5 %, 1000 та дон массаси 28,5 г, дон натураси 744 г/л бўлган бўлса, гектарига  $N_{56}P_{35}K_{93}$  кг қўлланилган вариантда дон оқсили 10,8 %, 1000 та дон массаси 29,3 г, дон натураси эса 746 г/л бўлганлиги аниқланган.

О.В.Чухина [4; 29-6] томонидан ўтказилган тажрибаларда минерал ўғитлар меъёрини ортиши билан кузги жавдарнинг дон ҳосилдорлиги ҳам ошиб борганлиги аниқланган. Назорат вариантда 3,27 тонна, гектарига  $N_{12}P_{16}K_{16}$  кг қўлланилганда 4,22 тонна, гектарига  $N_{90}P_{40}K_{100}$  кг қўлланилганда 4,99 тонна, гектарига  $N_{90}P_{40}K_{120}$  кг қўлланилганда эса 5,48 тонна дон ҳосилдорлиги олинган.

Россия қишлоқ хўжалик академиясининг шимолий – шарқий қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида Е.И. Уткина ва бошқалар [3; 40-6] томонидан ўтказилган илмий -тадқиқот натижаларига кўра, кузги жавдарнинг Фаленская-4 нави 20-25-30 август ва 5 сентябрларда экиб ўрганилганда энг юқори ҳосил 25 августда экилган вариантда (5,87 т/га) аниқланган.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида ўтказилди. Тажриба объекти жавдарнинг Вахшская-116 ва Шалола навларини 1октябрь, 15 октябрь ва 1 ноябрь муддатларда экилди. Жавдарнинг озиқ моддаларга бўлган талабини қондириш мақсадида маъданли ўғитлардан аммиакли селитра- $NH_4NO_3$  (N-33-34,6 %), аммофос- $NH_4H_2PO_4$  (N-11-12 %,  $P_2O_5$ -44-46 %) ва хлорид – $KCl$  ( $K_2O$ -53,7-60,0%) қўлланилди. Улар қуйидаги меъёрларда ўзаро таққосланиб ўрганилди, N-120, 150, 180, P-70, 90, 110, K-60, 75, 90, кг. Экиш меъёри 4,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида ўтказилиб, тажрибалар 3 қайтариқли, ҳисобга олинандиган пайкаллар катталиги 50 м<sup>2</sup> қилиб жойлаштирилди.

Тажриба Б.А.Доспеховнинг (1982) «Дала тажрибалари олиб бориш методикаси» га асосан олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Жавдар навларининг бўйи баландлиги ва унинг ётиб қолишга чидамлилиги, экиш муддатлари ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгарди.

Экиш муддатларининг 1 октябрдан 1 ноябргача кечикиши натижасида ўсимликлар бўйининг пасайиши, ўғитлаш меъёрларининг ошиб бориши эса мос равишда ўсимлик бўйининг баланд бўлишига олиб келди. Ўсимлик бўйи энг

паст кўрсаткичи назорат вариантда кузатилган бўлиб, бунда экиш 1 октябрда навларга мос равишда 120,1; 125,5 см, 15 октябрда 117,4; 121,1 см, 1 ноябрда эса 108,2; 114,0 см бўлганлиги аниқланди.

Жавдарнинг Вахшская-116 ва Шалола навларини назорат вариантга нисбатан гектарига  $N_{120}P_{70}K_{60}$  кг қўлланилган вариантда навларга мос 10,7; 11,1 см, гектарига  $N_{150}P_{90}K_{75}$  кг қўлланилган вариантда 14,7; 15,3 см, гектарига  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг қўлланилган вариантда эса навларга мос равишда 19,9; 19,6 см баланд бўлганлиги аниқланди.

Ўсимлик бўйининг энг баланд бўлиши Вахшская-116 ва Шалола навларида экиш муддати 1 октябрда, ўғитлаш меъёри гектарига  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг қўлланилган вариантда навларга мос равишда 140,0; 145,1 см бўлган бўлса, экиш муддати кечикиши (1.11) билан ўсимлик бўйи паст, яъни 127,6; 130,0 см бўлганлиги кузатилди.

Донли экинларнинг ҳосилдорлиги шаклланиши унинг кузги ва баҳорги туплаш фазаси ўтиши ҳамда ҳосил бўлган поялардан маҳсулдор поялар ҳосил бўлиш даражаси билан узвий боғлиқ.

Жавдарнинг 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сонига экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатиб, экиш муддати 1 октябрда, назорат вариантыда Вахшская -116 ва Шалола навларига мос равишда 367,0; 381,8 донани, экиш муддати 15 октябрда, навларга мос ҳолди 398,1; 402,1 донани ва кеч 1 ноябрь экилган муддатда 343,2; 351,1 дона бўлганлиги аниқланди. Минерал ўғитлар меъёрини ошириш жавдар навларини 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сонига ижобий таъсир кўрсатди.

Экиш муддати 15 октябрда экилган ва гектарига  $N_{120}P_{70}K_{60}$  кг минерал ўғитлар қўлланилган вариантыда Шалола навида Вахшская-116 навида нисбатан 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони 5,8 донага,  $N_{150}P_{90}K_{75}$  вариантыда 16,9 донага ва  $N_{180}P_{110}K_{90}$  вариантыда эса, 16,4 донага кўп бўлиши аниқланди. Экиш муддатлари кечикиши билан 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сонининг камайиб борганлиги кузатилди.

Тадқиқотларимизда жавдарнинг Вахшская -116 ва Шалола навларида 1000 та дон массаси ва битта бошоқдаги дон массасига экиш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Жавдар навлари эртаги муддатда, яъни 1 октябрда экилганда 1000 та доннинг массаси назорат вариантда навларга мос равишда 22,9; 23,0 г. ни ташкил этиши кузатилди. Айни шу муддатда ўғитлаш меъёри  $N_{120}P_{70}K_{60}$  кг/га қўлланилган вариантыда 25,7; 26,1 г,  $N_{150}P_{90}K_{75}$  кг/га қўлланилган вариантыда 27,0; 27,3 г ва  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг/га ўғит қўлланилган вариантыда эса 25,4; 28,7 г бўлиши кузатилди.

Жавдарнинг битта бошоқдаги дон массаси экиш муддатлари кечикиб бориши билан унинг массаси камайиши кузатилди. Экиш кеч (1.11) бўлган вариантларда эрта муддатда (1.10) экилган вариантларга нисбатан навларга мос равишда 0,08; 0,05 г, 0,18; 0,09 г, 0,16; 0,09 г, 0,12; 0,08 г га кам бўлиши аниқланди.

Жавдарнинг Вахшская-116 навини 1 октябрда экилган муддатда минерал ўғитлар меъёри ошиб бориши билан ўсимликлар ётиб қолиши, 1000 та дон массаси ва битта бошоқдаги дон массаси кам бўлишига олиб келди.

Тажрибада ўрганилган жавдарнинг Шалола навини 1000 та дон массаси экиш муддатлари кечикиши билан камайиб борган бўлса, минерал ўғитлар меъёрларининг ошиши билан эса бу кўрсаткич ортиб бориши аниқланди. Қулай об-ҳаво ва азот билан озиқланиш етарли шароитларда 1000 та дон массаси ошади.

Деҳқончиликда қўлланиладиган ҳар қандай агротехнологик тадбир ўсимлик ҳосилдорлигини ва ҳосил сифатини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Жавдарнинг дон ҳосилдорлиги навларнинг биологик хусусиятлари, экиш муддати ва минерал ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда ўзгарди. Дон ҳосилдорлиги энг кам бўлган вариантлар бу албатта назорат вариантларида бўлиб, Вахшская-116 ва Шалола навларида 1 октябрь экиш муддатида навларга мос равишда ўртача 25,9; 26,9 ц/га, 15 октябрда ўртача 26,9; 27,6 ц/га ва 1 ноябрь экиш муддатида эса ўртача 21,9; 23,3 ц/га бўлиши кузатилди.

Минерал ўғитлар меъёрини ошириш дон ҳосилига ижобий таъсир кўрсатиб, бу кўрсаткич 1 октябрда экилган назорат вариантыга нисбатан гектарига  $N_{120}P_{70}K_{60}$  кг ўғит қўлланилган вариантыда навларга мос равишда 23,4; 25,0 ц/га, гектарга  $N_{150}P_{90}K_{75}$  кг ўғит қўлланилган вариантыда 29,7; 27,3 ц/га ва гектарига  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг ўғит қўлланилган вариантыда эса 29,5; 27,3 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди. Экиш муддати 15 октябрда ўтказилган вариантларда дон ҳосили назорат вариантыга нисбатан минерал ўғитлар меъёри ва навларга мувофиқ ҳолда 25,7; 29,0 ц/га, 30,7; 35,1 ц/га ҳамда 36,6; 39,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган бўлса, 1 ноябрь экиш муддатида ўтказилган вариантларда эса 15,3; 18,8 ц/га, 19,1; 21,1 ц/га, 22,6; 24,1 ц/га қўшимча дон ҳосили олинганлиги аниқланди.

Жавдарнинг Вахшская-116 навини энг юқори дон ҳосилдорлиги 15 октябрда экилган вариантларда кузатилиб, минерал ўғитлар қўлланилган вариантларга мос ҳолда ўртача 52,4; 57,6 ва 63,5 ц/га бўлган бўлса, Шалола навида ҳам 15 октябрь экиш муддатида энг юқори ҳосил кузатилди, ўғитлаш меъёрларига мос ҳолда ўртача 56,6; 62,7 ва 66,6 ц/га бўлганлиги аниқланди. Демак, жавдарнинг Вахшская-116 нави, Шалола навига нисбатан дон ҳосилдорлиги ўғитлаш меъёрларига мос равишда 4,2; 5,1 ва 3,1 ц/га кам бўлганлиги қайд этилди. Шалола нави дон ҳосили 15 октябрь экиш муддатида, кечки 1 ноябрь экиш муддатига нисбатан минерал ўғитлаш меъёрларига мос равишда 14,5; 18,3 ва 19,2 ц/га кўп ҳосил олинди.

Минерал ўғитларни кўп меъёрда қўллаш қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини оширишда, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари минерал ўғитлар нархини ҳисобга олиш лозим.

Биз олиб борган тажрибаларда жавдарнинг Шалола навида экиш муддатлари ва минерал ўғитлаш меъёрларини иқтисодий самарадорлик таҳлили шуни кўрсатадики, 01.10 муддатда  $N_{120}P_{70}K_{60}$  вариантыда назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан 2163,8 минг сўм соф фойда олинган бўлса, рентабеллик даражаси 33,1 % га юқори бўлган. Ушбу навда энг юқори соф фойда ва рентабеллик 15.10 муддатда  $N_{150}P_{90}K_{75}$  қўлланилган вариантда 3561,1 минг сўм ва 60,7 % ни ташкил этди. Соф фойда ва рентабеллик даражаси бўйича энг паст кўрсаткич ушбу навда ҳам кечки (01.11) муддатда экилганда қайд этилди.

Жавдарнинг ҳар иккала навида ҳам 1 тонна дон таннархи 15.10 муддатда  $N_{150}P_{90}K_{75}$  қўлланилган вариантларда (Вахшская-116 – 100,4 минг сўм ва Шалола – 91,6 минг сўм) аниқланди.

#### Хулосалар:

1. Жавдарнинг бўйи экиш муддатларининг кечикиб бориши билан камайганлиги, ётиб қолишга чидамлиги ошганлиги, ўғит меъёрларини ошиб бориши билан кўпайганлиги, ётиб қолишга чидамлиги пасайганлиги аниқланди. Шалола нави Вахшская -116 навига нисбатан ўсимликнинг бўйи баланд бўлгани билан ётиб қолишга мойиллиги ушбу навда кам эканлиги аниқланди.

2. Жавдарнинг мақбул экиш муддати ҳисобланган 15 октябрда ҳар иккала навда ҳам энг юқори 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони навларга мос равишда 545,8; 562,2 дон,  $N_{180}P_{110}K_{90}$  қўлланилган вариантыда ҳосил бўлганлиги аниқланди. Худди шу экиш муддатида бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони, битта бошоқдаги донлар сони ва 1000 та дон массаси каби кўрсаткичлар ҳам юқори бўлиши аниқланди.

3. Жавдар (энг мақбул экиш муддати) 15 октябрда экилганда дон ҳосилдорлиги бошқа экиш муддатларига нисбатан ошган. Ушбу муддатда минерал ўғитлар меъёри ошиб бориши билан навларнинг дон ҳосилдорлиги ҳам ошган. Энг юқори дон ҳосилдорлиги  $N_{180}P_{110}K_{90}$  вариантыда кузатилган бўлиб бунда навларги мос равишда ўртача 63,5; 66,6 ц/га бўлди. Энг кам дон ҳосилдорлиги барча муддатларда (назорат) ўғитсиз вариантларида кузатилди.

4. Жавдарнинг Вахшская-116 ва Шалола навларидан иқтисодий самарали, сифатли дон ҳосили етиштириш учун экишни октябрь ойининг иккинчи декадасида ўтказиб, минерал ўғитни гектарига  $N_{150}P_{90}K_{75}$  кг қўллаш тавсия этилади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. / Б.А.Доспехов - М.:Агропромиздат, 1985. 351 с
2. Новоселов С.И., Толмачев Н.И., Муржинова А.В. Влияние минеральных удобрений на продуктивность севооборотов с различными видами паров. / С.И.Новоселов, Н.И.Толмачев, А.В.Муржинова // Плодородие. 2014. № 5 (80). С. 14-15.
3. Уткина Е.И. Оптимизация технологических приемов производства зерна озимой ржи. / Е.И.Уткина, Л.И.Кедрова, М.Г.Шамова, Е.С.Парфенова // Достижения науки и техники АПК, №6-2012. С-40.
4. Чухина О.В. Влияние удобрений на вынос элементов питания культурами севооборота в Вологодской области. / О.В.Чухина // Молочнохозяйственный вестник, №4 (32), IV кв. 2018.

# “МАССИНО” ДОН ЖЎХОРИ НАВИНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИ МОРФОБИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Маматқулов Илхом Ибрагимович,

Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчиси.

**Аннотация:** Мақолада янги яратилган дон жўхорининг “Массино” нави ўсимликларини типик бўз тупроқлар шароитидаги кўрсаткичлари, морфобиологик, яъни униб чиқиши, ўсув даври, ўсимлик бўйи, барг ва бўгин сони, рўвак узунлиги ва ҳ.к.) кўчат қалинлигини ўсиб ривожланиши ва ҳосил шаклланиши кўрсаткичлари, яшил, қуруқ масса ва ҳосилдорлик бўйича стандарт навадан фарқланиши жиҳатлари ёритилган.

**Қалит сўзлар:** экиш муддати, униб чиқиши, ўсув даври, кўчат сони, яшил, қуруқ масса, дон чиқими, морфобиологик кўрсаткичлар, ҳосилдорлик.

Жўхори экини чўлланиш шароитида шўрланишга, қурғоқчиликка, иссиқликка, ноқулай экологик шароитларга чидамлилиги, юқори маҳсулдорлигини инobatга олиб уларнинг янги нав дурагайлари яратиш ва уруғчилигини ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жўхори ҳосилдорлиги жиҳатидан юқори имкониятларга эга, маҳсулот сифатида универсал даражада фойдаланиш мумкин бўлган экиндр. Бундан ташқари дала деҳқончилигида фойдаланиладиган экинлар ичида қурғоқчиликка, иссиққа чидамлилиги бўйича унга тенглашадигани йўқ.

Жўхорини юқори маҳсулдорлиги, озуқавийлиги ва универсаллиги сабаб, у дунё бўйича истиқболли экинлар қаторига кири-тилган [3; 30-34-б., 8; 288-297-б., 12; 12-14-б., 10; 38-б.].

Ўзбекистоннинг Хоразм воҳаси жўхорининг иккинчи ватани бўлиб, бу ерда 2,5 минг йил илгаридан маълум. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жўхорининг асосий экин майдонлари Қорақалпоқистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида жойлашган бўлиб, 20-25 минг.га майдонда етиштирилади [2; 112-202-б.].

Жўхори дони ун, ёрма, крахмал, маҳаллий пиво ва алко-голсиз ичимликлар, бодроқ, ширин, барра дончалар-ширин қаламчалар тайёрлашда ишлатилади. Баъзи турларининг ширин поялари овқат тайёрлашда ишлатилади. Жўхори дони таркибини 70-75 % крахмал, 12-13 % протеин, 3,5 % ёғ моддалари ташкил этади.

Ўзбекистондаги маҳаллий оқ донли жўхори навлари донидан юқори қимматли ёрма, ун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда хом-ашё сифатида фойдаланилади [7; 23-25-б., 4; 71-76-б., 11; 109-110-б.].

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, 2017 йилда Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий – тажриба станцияси илмий ходимлари томонидан яратилган, 2019 йилда Давлат реестрига истиқболли деб киритилган донжўхорини “Массино” навини мақбул кўчат қалинлиги, гектаридан олин-надиган дон ва яшил масса ҳосилдорлигини аниқлаш бўйича 2019-2021 йилларда илмий-тадқиқот ишлари Тошкент вило-яти, Тошкент тумани, Қўқсарой МФЙда жойлашган станция тажриба хўжалиги майдонида олиб борилди.

